# ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!


# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2013-yil 25-iyul, №30 (863)


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

### Ш.УЗАКОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАРБИЙ ПРОКУРОРИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Шухрат Шарапович Узаков Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.Каримов**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 17 июль.

## Шухрат Шарапович УЗАКОВ



Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори лавозимига тайинланган Шухрат Узаков 1961 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Маълумоти олий, ҳуқуқшунос. 1984 йилда Самарқанд Давлат университетини тамомлаган.

Ш.Узаков дастлабки фаолиятини 1979 йилда Самарқанд шаҳар "Каноп" заводида оддий ишчиликдан бошлаган. 1979-1982 йилларда эса "Сервис" фирмасида ишини давом эттириб, 1982-1983 йилларда "Самарқандқурилиш" корхонасида комсомол қўмитасининг котиби бўлиб ишлаган. 1983-1985 йилларда "Ўзавтохизмат" корхонасининг Самарқанд вилоят бошқармасида ҳамда вилоят Ижроия қўмитасининг қурилиш бўлимида ҳуқуқшунос лавозимида фаолият кўрсатган. Ш.Узаков 1985 йилдан фаолиятини прокуратура органларида давом эттириб, 1989 йилгача Самарқанд вилоят прокуратурасида тергов бўлими прокурори, катта прокурори лавозимларида самарали меҳнат қилди. 1990 йилда Каттақўрғон шаҳар прокурори ўринбосари, 1991 йилда вилоят прокуратураси тергов бўлими бошлиғининг ўринбосари, 1992 йилда Самарқанд вилоят прокурорининг ёрдамчиси ҳамда вилоят прокуратураси ташқи иқтисодий фаолиятда порахўрлик, талон-торож ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш гуруҳининг бошлиғи лавозимида хизмат қилди. 1992-1999 йилларда Самарқанд ҳарбий прокурори, 2001 йилгача эса Шарқий ҳарбий округ ҳарбий прокурори лавозимида фаолият юритди. 2003 йилгача Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлади. 2003-2013 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори лавозимида самарали меҳнат қилди. Ш.Узаков Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йил 17 июлдаги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори лавозимига қайта тайинланди.

**Ифтихор**

*Халқимиз энг улуғ, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Бу муҳим ва шонли сана арафасида ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни сарҳисоб қилиб, эришган улкан ютуқларимизни баҳолашимиз табиийдир.*



# Ватан равнақи, юрт ободлиги йўлида

**Баҳодир ДЕҲҚОНОВ,**
Самарқанд вилоят прокурори

Муҳтарам Президентимизнинг мазкур умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир қарорида истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан мамлакатимизни ислоҳ этиш ҳамда уни модернизация қилишда асос бўлиб хизмат қилаётган "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун" деган одамларимиз қалбидаги орзу-интилишларни яққол ифода этган эзгу даъват халқимизни ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш йўлида сафарбар этаётгани алоҳида таъкидланган.

Мустақиллигимиз шарофати билангина мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш бўйича кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, замонавий уй-жойлар, муҳташам маданият ва спорт иншоотлари, йўл ва кўприклар, хориж технологияси билан жиҳозланган корхоналар барпо этилиб, хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланиб бормоқда. Юртимизнинг ободлиги ва халқимизнинг фаровонлигини оширишда мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг улуши салмоқли бўлмоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ислоҳотларни янада либераллаштириш, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес жадал тараққий этиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантирувчи асосий кучга айланиб бораяпти десак, асло хато қилмаймиз.

Бу борада муҳтарам Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг "Обод турмуш йили", деб эълон қилинганлиги халқимизнинг турмуш даражасини оширишда, фаровонликни таъминлашда беқиёс аҳамиятга эга бўлди. Дастурнинг 1-бобидаёқ аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг изчил ўсишини таъминлаш, иш билан бандликни ошириш масалалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни такомиллаштириш билан узвий боғлиқлиги эътироф этилган.

Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда соҳа вакилларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар мамлакатимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосини ташкил этади.

/Давоми 4-бетда/

# Журналист доимо огоҳ ва фаол бўлиши керак

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий билимини ва касб маҳоратини оширишга бағишланган ўқув семинари ташкил этилди.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, "Жаҳон" ахборот агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, олимлар, профессор-ўқитувчилар, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, матбуот хизматлари ходимлари иштирок этди.

Мустақиллик, энг аввало, эркин ва бахтли яшаш ҳуқуқидир. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун" деган олижаноб даъват халқимиз юрагига чуқур кириб бориб, истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётир.

Халқимиз ҳаётида рўй бераётган ана шундай улкан ўзгаришларни мамлакатимиз ва хорижда кенг ёритиш, ислоҳотлардан аҳолининг баҳрамандлик даражасини ошириш журналистлар зиммасига катта масъулият юклайди. Бу журналистдан ўз мутахассислиги билан бирга замонавий ахборот технологиялари ва хорижий тилларни яхши билишни, ватанпарварлик ҳисси билан яшаш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишни, доимо огоҳ ва фаол бўлишни талаб этмоқда.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ана шундай талабларга тўла жавоб бера оладиган мутахассис бўлиши ва эркин фаолият юритиши учун юртимизда барча шароитлар яратилган. Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, соҳага янги технологиялар ва бозор иқтисодиёти механизмларини кенг татбиқ этишга доимий эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида мазкур йўналишда давлат тузилмалари билан бирга нодавлат телерадиоканаллар ва матбуот нашрлари тармоғи ҳам изчил ривожланаётир.

Семинарда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, эришилаётган ютуқлар ва самараларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши, журналист масъулияти ва вазифалари хусусида сўз юритилди.

**Ўз мухбиримиз**

*"Ласетти" русумли автомашинасида Юнусобод тумани Амир Темур номли 1-тор кўчадаги автомобиллар бепул тўхташ жойига етиб келган Исмоил Дўстов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) автоуловини шу ерда қолдириб, "Олой" бозорига кириб кетди.*

# Нотаниш жиян

**Алишер КАРИМОВ,**
Юнусобод туман прокурори ўринбосари

Соат тахминан 16:00 ларда аллақаёқдан кўзлари олазарак бир йигит пайдо бўлди. У бировни қидиргандек, ён-атрофни синчковлик билан кузатар экан, тўсатдан боягина И.Дўстов қолдириб кетган автомашинанинг ёнига келди-да, симга ўхшаш, узунлиги 31 сантиметр бўлган темир парчаси орқали ён эшигини очишга киришди. Бу ишнинг уддасидан чиққач, худди автоулов ўзининг шахсий мулкидек шошилмай ҳайдовчининг ёнидаги ўриндиққа ўтирди. Бемалол жойлашиб олгач, салонни титкилай бошлади.

Буни қарангки, айни пайтда бир неча киши четдан унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб турган экан. Автомашинага ўтириши билан улар ҳам кутилмаганда унинг тепасида пайдо бўлишди-да, сўроққа тутишди. Йигит ўзини йўқотмади: машина тоғасига тегишли эканлиги, ҳозир бозорга кириб кетгани учун қариндошини кутиб ўтирганини айтди.

Бироқ одамлар унинг гапларига ишонмай, автомашина эгасини кутиб туришга қарор қилишди. Бу орада ҳар эҳтимолга қарши, дея милицияга ҳам хабар беришди. Кўп ўтмай етиб келган ИИБ ходимлари ундан шахсини тасдиқловчи ҳужжат сўрашди. Йигитнинг ёнида бундай ҳужжат йўқ экан. Шундан сўнг автомашина эгасини кутиб туришди. И.Дўстов бозордан чиқиб келаркан, машинаси олдида турган одамларни ва милиция ходимларини кўриб ҳайрон бўлди-да, уларнинг олдига югуриб келди:

— Нима гап, тинчликми?

— Бу сизнинг жиянингизми? — жавоб бериш ўрнига сўради ИИБ ходимларидан бири йигитга ишора қилиб.

— Йўқ, мен уни биринчи марта кўриб турибман...

Шу тариқа куппа-кундузи ўзганинг мулкини ўғирлашга бел боғлаган Олим Ҳикматов ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноятини охирига етказа олмай, қонун посбонлари қўлига тушди.

Нотаниш жияннинг ишини кўриб чиққан жиноят ишлар бўйича Юнусобод туман суди О.Ҳакимовга 5 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

# Тадбиркорлар қонун ҳимоясида

***Азал-азалдан тадбирли эл фуқаролари бўлган кўплаб юртдошларимиз берилган имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланиб, оилаларининг иқтисодий имкониятларини кенгайтирган ҳолда давлат ва жамият равнақига ҳам муносиб улуш қўшмоқдалар. Шунингдек, прокуратура органлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган эътибор ҳамда бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда.***

**Мақсуд ИСКАНДАРОВ,**
Янгиариқ туман прокурори
**Ойбек ЖУМАНИЁЗОВ,**
«Huquq»

Хусусан, Янгиариқ туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Туманда фуқаролар ҳамда тадбиркорлик тузилмаларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳимоясини таъминлаш, яратилган имтиёзларни кенг ёритиш мақсадида туман прокуратурасида "Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни ташкиллаштириш маркази" ташкил этилган. Ушбу марказда белгиланган график асосида туман ҳокимлигининг тегишли мажмуалари, давлат назорат идоралари, тижорат банклари ва фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик тузилмалари раҳбарлари иштирокида учрашувлар ўтказилиб, бевосита тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлар ҳақида сўз юритилиб, уларга қонунчиликдаги имтиёзлар кенг тушунтирилмоқда. Шунингдек, тадбиркорларнинг таклиф ва мулоҳазалари тингланмоқда.

Бундан ташқари, туман прокурорининг ташаббуси билан 49 та янги тадбиркорлик субъектлари ташкил қилиниб, уларга зарур амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларини тезкор аниқлаш мақсадида ташкил этилган ишонч телефонига жорий йилнинг 5 ойида келиб тушган 23 та мурожаатнинг барчаси зудлик билан ҳал қилиниб, шундан 22 таси қаноатлантирилди ва битта ҳолатда мурожаат эгасига қонун талаблари тушунтирилди. Жумладан, ишонч телефонига қўнғироқ қилиб, жамиятнинг кадастр ҳужжатларини тиклашда ёрдам сўраган "Хоразм Чорсу" МЧЖ раҳбари Ш.Аллабергановнинг мурожаати юзасидан туман прокуратураси аралашуви билан туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати томонидан талаб қаноатлантирилди. Шунингдек, "Хоразмбиомаҳсулот" МЧЖ раҳбари Х.Сапаевнинг мурожаати асосида жамиятнинг табиий газга уланишида амалий ёрдам берилди.

Туман прокуратурасига келиб тушган тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ мурожаатларнинг ўз муддатида ҳал этилиши ҳам таъминланмоқда.

Хусусан, "Гулланбоғ" қишлоғида яшовчи фуқаро Р.Авезованинг туман ҳокимининг қарорига асосан этикдўзлик ва сартарошхона қурилиши учун ажратилган ер майдонлари бошқа бир шахсга ноқонуний равишда ажратиб берилганлиги ҳақида ёзган аризаси ўрганилиб, аниқланган қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф қилиш ҳақида туман ҳокими номига тақдимнома киритилди. Туман ҳокимининг қонунга зид бўлган 2012 йил 7 декабрдаги қарорини бекор қилиш тўғрисида протест келтирилди.

Бу каби чора-тадбирлардан мақсад тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш орқали эл-юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиш билан бирга қонун устуворлигини таъминлашдир.

# Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши

***Самарқанд вилоят прокуратурасида вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.***

**Рустам ИСЛОМОВ,**
Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Шаҳар ва туман прокурорлари, вилоят ИИБ бошлиқлари ҳамда масъул вакиллари, Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг вилоят бошқармаси тезкор ходимлари иштирок этган йиғилишда жорий йилнинг 1-ярмида ҳудудда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар аҳволи, тергов сифати ва самарадорлигини ошириш, жиноятчиликка қарши курашни тўғри ташкил этиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Тадбирда шунингдек, амалга оширилган муайян ишлар натижасида вилоят бўйича жиноятларнинг умумий сони 0,9 фоизга, шу жумладан, қотиллик жинояти 30 фоизга, оғир тан жароҳати етказиш 6,7 фоизга, босқинчилик 9,1 фоизга, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш 3 фоизга, вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноятлар 1,4 фоизга, гуруҳлар томонидан жиноят содир қилиш ҳолатлари 10,6 фоизга, муқаддам судланганлар томонидан содир қилинган жиноятлар 6,3 фоизга, аёллар жинояти 0,4 фоизга камайганлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан кенг жамоатчилик ҳамкорлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш ва унинг олдини олишда жойлардаги давлат бошқаруви идоралари ва қатор жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, тергов ва суриштирувни сифатли ва холис ўтказиш, айниқса, дастлабки тергов жараёнида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, солиқ ва валюта соҳасидаги қонунбузилишларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича қўйилган вазифаларни самарали ташкил этишга эътибор қаратилди. Ўсмирлар орасида жиноятларнинг олдини олиш мақсадида умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицей ўқувчиларининг таълим-тарбиясини такомиллаштириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунан тўлдириш борасида аниқ тавсиялар берилди. Шунингдек, фуқароларнинг одам савдоси қурбонига айланиб қолишининг олдини олиш, бу ўринда аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш ва янги иш ўринлари яратиш, фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ўз вақтида ҳал қилиш, бу жараёнда уларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратиш кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва масъул идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилиш якунида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва соҳада фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

# Хотиржамлик гарови

***СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 41 та яширин ишлаб чиқариш ҳолатлари аниқланиб, уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиши билан бир қаторда, давлат стандарти талабларига мос келадиган ишлаб чиқариш ускуналари мавжуд бўлган шахсларнинг тадбиркорлик билан қонуний фаолият юритишларига амалий ёрдам ҳам кўрсатилмоқда.***

**Ўткир ҚОБИЛОВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Жумладан, департаментнинг Чилонзор туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда фуқаролар Шамсиддин Йўлдошев ва Бобур Беҳбудовлар давлат рўйхатидан ўтмасдан яширин тикув цехи ташкил қилиб, турли кийим-кечаклар тикаётганликлари аниқланиб, улардан тегишли тикув дастгоҳлари, тайёр маҳсулотлар ва зарур хомашёлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Маълумки, тадбиркорлик ортидан соғлом рақобат, энг асосийси, мулкка бўлган янгича муносабат ётади. Департаментнинг Чилонзор туман бўлими ходимлари томонидан ҳуқуқий тушунтириш ишлари олиб борилиб, амалий кўмак берилиши натижасида тегишли тартибда рўйхатдан ўтган янги тадбиркорлик субъекти иш бошлади. Натижада ҳудуддаги бир неча нафар ёшлар янги иш ўринлари билан таъминландилар.

Яна бир ҳолат: даромад топишнинг енгил йўлини танлаган фуқаро Музаффар Қосимов ҳам яширин цех ташкил қилиб, пойабзаллар учун таглик ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган экан. Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Юнусобод туман бўлими ходимлари ҳамкорликда ўтказган тезкор тадбирда яширин фаолиятга чек қўйилди. Цехдаги асбоб-ускуналар, тайёр маҳсулотлар ҳамда хомашёлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Шунингдек, текширишларда М.Қосимов фаолияти давомида электр энергиясидан ноқонуний равишда фойдаланиб, туман электр тармоқлари корхонасига 5 млн. сўмга яқин зарар етказгани ҳам аниқланди. Ҳуқуқбузарнинг чин кўнглидан пушаймонлиги, давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги инобатга олинди. Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамда департамент идоралари ходимлари томонидан ҳуқуқий тушунтириш ишлари олиб борилиб, унга амалий-ҳуқуқий кўмак кўрсатилди. Натижада тегишли тартибда рўйхатдан ўтган яна бир тадбиркорлик субъекти иш бошлади. Ўз фаолиятини қонуний йўлга қўйган масъулияти чекланган жамиятда бир нечта доимий иш ўринлари яратилди.

Гарчи юқорида қайд этилган ҳар икки ҳолатда ҳам жиноят аломатлари мавжуд бўлса-да, департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддаларига асосан жиноят иши қўзғатиш рад этилди. Мана шундай тадбирларда аниқланган яширин ишлаб чиқариш ҳолатларига қонуний тус бериш ва амалий ёрдам кўрсатилиши натижасида 41 та хўжалик юритувчи ва якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари солиқ тўловчилар сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиб, 141 та янги иш ўринлари яратилди.

Тадбиркор — юртга мададкор, деб бежиз айтилмаган. Фақат қонуний асосда иш юритган тадбиркоргина ўзига ҳам, жамиятга ҳам наф келтиради.

# Истеъдодни рўёбга чиқариш имконияти

*Юқори малакали, изланувчан кадрлар тараққиётнинг етакчи кучи ҳисобланади. Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан барча соҳаларнинг етук кадрларини тайёрлаш мақсадида таълим савиясини юксак жаҳон андозалари даражасига етказишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимиз раҳнамолигида ўтказилган ислоҳотлар натижасида 12 йиллик мажбурий таълим тизими жорий этилди.*

**Шамсиддин ТУРДАЛИЕВ,**
Бешариқ туман прокурори

Мактаб ва коллеж педагогларининг билим савияси, малакасини узлуксиз ошириб бориш йўлга қўйилди. Чекка ҳудудлардаги, олис қишлоқлардаги мактабларгача таъмирланиб, беками-кўст жиҳозланди, янги мактаб ва коллежларнинг муҳташам иморатлари, стадионлар, спорт заллари барпо этилди. Ёшлар мукаммал билим олиб, истеъдодларини рўёбга чиқара олишлари учун қулай шароитлар вужудга келтирилди. Жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилганидай, мамлакатимизда замонавий, мукаммал таълим тизими яратилди. Ушбу соҳада қонунийликни таъминлаш алоҳида назоратга олинди.

Туман прокуратураси томонидан Республика Бош прокурорининг топшириқлари асосида таълимга, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижросини таъминлаш устида доимий иш олиб борилмоқда. Таъкидлаш жоиз, тумандаги мактаб ва ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларининг акса-риятида жонкуяр, фидойи, юқори малакали педагоглар ўқувчиларга тўкис билим беришга интилиб ишлашяпти. Бурчларини сидқидилдан адо этишяпти. Шу билан бирга, таҳлилларда айрим билим даргоҳларининг маъмуриятлари томонидан амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйилган ҳолатлар кўзга ташланмоқда. Мисол учун, Ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўтилмаган дарс соатлари, бажарилмаган педагогик юкламалар учун иш ҳақи тўланаверган. Электротехника, педагогика-психология, жисмоний тарбия, мусиқа фанларининг ўқитувчиларига бир ой мобайнида 9 соатдан тортиб, 43 соатгача жами 152 соат бажарилмаган педагогик юкламалар учун жами 556 минг сўм иш ҳақи ҳисобланиб, тўлаш учун ҳисобхонага тақдим этилган. Худди шунингдек, ўқитувчиларга махсус комиссия қарори чиқарилмасдан директорнинг буйруғи билан моддий ёрдам ва рағбатлантириш пуллари тўланаверган.

Ўқув жараёнида ўқувчиларнинг билимларини баҳолаб боришга эътиборсизлик билан қаралган. Педагогика кафедраси, зардўзлик ва уни ўқитиш методикаси фани ўқитувчилари томонидан ўтилган мавзулар гуруҳларнинг журналларида қайд этилмаган, ўқувчилар баҳоланмаган. Яна 20 ҳолатда гуруҳларнинг журналларига ўтилган мавзулар қайд этилмаган, ўқувчиларнинг билимлари баҳоланмаган бўлса-да, ўқитувчиларга иш ҳақи ҳисобланаверган.

Коллеж маъмурияти томонидан айрим ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш жараёнида уларга буйруқ билан танишганлари ҳақида имзо қўйдириш, тилхат олишдан иборат қонун талабларига риоя этилмаган. Айрим меҳнат шартномалари ходимлар томонидан имзоланмаган, Меҳнат кодексининг 74-моддаси талаблари бузилган, ходимларнинг яшаш манзиллари, шартнома тузилган жой, шартнома рақамлари кўрсатиб ўтилмаган.

Бешариқ Хизмат кўрсатиш ва педагогика касб-ҳунар коллежида ҳам юқоридаги каби қонунбузилиши ҳолатлари юзага чикди.

Таҳлилларда бир қатор мактабгача таълим муассасаларининг фаолияти талабга жавоб бермаслиги аён бўлди. 18, 23, 39-сонли мактабгача таълим муассасаларидаги шарт-шароитлар талабга жавоб бермайди. Чунончи, 50 ўринга мўлжалланган, 55 нафар бола қатнаётган 18-сонли мактабгача таълим муассасаси мослаштирилган собиқ дала шийпонида жойлашган. Боғчада мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилмаган. Тиббиёт хонаси жиҳозланмаган, тиббиёт асбоблари билан тўкис таъминланмаган. Болалар тиббий кўрикдан ўтказилмаган. Умуман боғчада санитария-гигиена талабларига амал қилинмаган. Ота-оналарнинг бадал тўловларидан қарздорлиги салкам 2 млн. 300 минг сўмга етган. Ҳар бир ота-она билан ҳисоб-китоб қайд этиладиган алоҳида дафтар юритилмаган.

Таълим билан бирга вояга етмаганларнинг саломатликлари борасидаги қонунчилик ижросини ўрганиш жараёнида қишлоқ врачлик пунктларининг фаолияти талабга жавоб бермаслиги аён бўлди. Хусусан, Телов қишлоқ врачлик пункти 1 ва 2-патронаж участкаларининг ҳамширалари Д.Давилова ва О.Ҳайитоваларнинг уйма-уй юриш графиклари ҚВП мудирига тасдиқлатиб олинмаган. Улар иш фаолиятига оид ҳужжатлар билан тўлиқ таништирилмаган. Юқумли касаллик ўчоғида тиббий-профилактик ёрдам кўрсатиш борасидаги назарий билимлари етарли эмас.

Ушбу ҚВП маъмурияти томонидан Меҳнат кодексининг 82-моддаси талаблари бузилган, яъни ишга қабул қилинган 7 нафар ходимлар буйруқ билан таништирилмаган, ишга қабул қилинганлари ҳақида тилхат ёздириб қўйилмаган. Ўриндошлик асосида ишловчи олий тоифали икки нафар врачнинг асосий иш жойларига оид маълумотнома талаб қилиб олинмаган.

Тумандаги Қораянтоқ, Жарбоши, Бешкапа ва Намуна ҚВПларида ҳам юқоридаги каби қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилган.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таълим, соғлиқни сақлаш борасидаги қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган таҳлилларда аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ва унинг олдини олиш чоралари кўрилмоқда. Ўтган олти ой мобайнида 11 маротаба ўтказилган таҳлил натижалари бўйича 13 та протест келтирилди, 31 та тақдимнома, 7 та даъво аризалари киритилди, 3 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди.

Айни чоғда 9-синф битирувчиларини ўқишнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб этиш, коллеж битирувчиларини уч томонлама шартномалар асосида ишга жойлаштириш жараёни устидан назорат ўрнатилиб, ҳуқуқий тарғибот, бевосита мулоқотлар воситасида қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш, барча ёшларнинг ўзлари танлаган соҳаларда ўқишга ва ишга жойлашишларини таъминлаш устида иш олиб борилмоқда.

# Ерга хиёнат — элга хиёнат

*Жорий йилнинг ярми ҳам ортда қолди. Шу кунларда қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари учун ўта муҳим ва долзарб мавсум бошланди. Кузда кўтариладиган хирмон деҳқонларнинг бугунги саъй-ҳаракатларига боғлиқ.*

**Фозилжон ТОИРОВ,**
Учқўрғон туман прокурори
**Нилуфар НИЁЗОВА,**
«Huquq»

Таъкидлаш жоизки, юртимизда фермерлик ҳаракатига алоҳида эътибор қаратилиб, соҳа-ривожи, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашга оид кўплаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бунинг натижаси ўлароқ, фермерларимиз бугун жамият ривожига муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Қаердаки эзгу ишлар амалга оширилаётган бўлса, самарасини кўриб турибмиз.

Аммо гуруч курмаксиз бўлмагани сингари, фермерлар орасида ҳам ўз ишига масъулият билан ёндашмайдиган, билдирилган ишончни ўзгача тушуниб, эл манфаатидан кўра ўз манфаатларини устун билувчилар ҳам учрамоқда.

Учқўрғон туман прокуратураси томонидан туманда фаолият олиб бораётган фермер хўжаликларида Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси талабларига риоя этилиши аҳволи ўрганилди.

Қайд этиш жоизки, туманда 2013 йил ҳосили учун тасдиқланган режага кўра 6790 гектар майдонга ғалла, 10336 гектарга пахта, 200 гектарга сабзавот, 50 гектарга мойли ва 1958,2 гектарга озуқа экинлари экиш режалаштирилган. Бироқ туман прокуратураси ўтказган мониторингда аниқланишича, тумандаги 63 нафар фермер хўжалиги раҳбари йил бошида пахта ва ғалла экилиши режалаштирилган 102,8 гектар майдонга пиёз, қулупнай ва бошқа полиз экинлари экиб, ерлардан хўжасизларча фойдаланганлар. Масалан, тумандаги "Абдулазиз Абдуллажон Шуҳрат" фермер хўжалиги раҳбари А.Жўраев 1,2 гектар ер майдонига ўзбошимчалик билан пиёз эккан. Ваҳоланки, бу қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш режасида йўқ эди.

Шунингдек, "Зуҳриддин агро сервис" фермер хўжалиги раҳбари З.Аҳмедов 2013 йил ҳосили учун чигит экилиши лозим бўлган 1 гектар ерга ҳеч қандай рухсатсиз пиёз экиб юборган.

"Тараққиёт плюс омад" фермер хўжалигининг 290-дала контурида ҳам аҳвол бундан қолишмайди. Мазкур хўжалик раҳбари ғалла экилиши режалаштирилган 0,70 гектарда қулупнай етиштирган. "Абдулазиз ўғли Абдулҳай" фермер хўжалигининг 181-контуридаги пахта экилиши режалаштирилган 0,50 гектар ерда ҳам пиёз барқ уриб ётибди.

"Тараққиёт пойдевори-2005" фермер хўжалиги раҳбари ҳам шерикларидан қолиб кетишни истамаган чоғи, 2013 йил ҳосили учун ғалла экилиши режалаштирилган 0,25 гектар ерга қулупнай экиб юборганлиги аниқланди.

Ўтказилган текшириш якунига кўра, пахта ва ғалла экилиши режалаштирилган ерлардан мақсадсиз фойдаланган 62 нафар фермер хўжаликлари раҳбарларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 65-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди ҳамда аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳақида туман ҳокими номига тақдимнома киритилди.

Эътибор, имтиёз ва қўллаб-қувватлашга аслида ҳалоллик билан иш тутиб, амалдаги қонун-қоидалар асосида иш юритаётган фермерлар муносибдир. Қонунларни менсимай, уларни четлаб ўтиб манфаат кўришга интилганлар эса албатта, жавоб беришлари тайин. Зотан, яратиб берилаётган шарт-шароитларни суиистеъмол қилиш, ерга хиёнат асло кечирилмайди.

*Оролбўйи транспорт прокуратураси томонидан жорий йилнинг 6 ойи давомида фуқаролар ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 10 декабрдаги "Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида"ги 37-сонли буйруғи талаблари асосида ташкиллаштирилди.*

# Қонунийликни таъминлаш йўлида

**Фазлиддин ТЕМИРОВ,**
Оролбўйи транспорт прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчиси

2013 йилнинг ўтган даври мобайнида Оролбўйи транспорт прокуратурасига фуқаролар ва юридик шахслардан жами 28 та ариза келиб тушган бўлиб, шундан 8 таси тегишлилиги бўйича ҳал қилиш учун бошқа муассасаларга юборилган. 12 та ариза бевосита прокуратура ходимлари томонидан кўриб чиқилиб, ҳал қилинган ва 6 таси қаноатлантирилган. 2 та мурожаат юзасидан ариза муаллифининг важлари ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли рад этилган. Хусусан, Қўнғирот ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди ходими Ш.Абдолниязовнинг аризаси юзасидан ўтказилган текширувда қўриқлаш отрядида меҳнатга оид қонун талаблари қўпол равишда бузиб келинганлиги аниқланди. Жумладан, Қўнғирот ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряд бошлиғининг 2013 йил 18 апрель кунги буйруғи билан Урганч бекати 15-сон ўқчилик ва ўт ўчириш командаси Урганч темир йўл вокзали хавфсизлигини таъминлаш нозири Ш.Абдолниязов шу кундан ишлаб чиқариш зарурати билан вақтинча ушбу команданинг ўт ўчириш автомашинаси ҳадовчиси лавозимига ўтказилган. Текширишда Меҳнат кодексининг 89-, 95-, 96-моддалари талабларига зид иш кўрилгани аниқланиб, мазкур буйруққа нисбатан протест келтирилди.

Қолаверса, шу кунга қадар ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бошқармаси томонидан Қўнғирот ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди ходимларининг 2013 йилги штат жадвали тасдиқланмаган. Бундан ташқари, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК раисининг 2012 йил 12 январдаги буйруғи билан тасдиқланган "Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бошқармаси ходимларини рағбатлантириш" тартибига зид равишда 22 нафар ходимнинг январь-апрель ойлари давомидаги мукофот пуллари ҳисобланмасдан, жами 5 млн. 385 минг 243 сўм маблағ тўланмай, уларнинг ҳуқуқлари поймол қилинганлиги аниқланди ва прокуратуранинг аралашуви билан уларнинг қонуний ҳуқуқлари тикланди.

Ушбу қонунбузилишларни содир этган Қўнғирот ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди бошлиғига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, айбдор ходимларга нисбатан тегишли чора кўриш тўғрисида "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТКнинг Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бошқармасига тақдимнома киритилди. Шунингдек, Қўнғирот минтақавий темирйўл узелига қарашли корхона ва ташкилотларда ҳам "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси аҳволи юзасидан текширишлар ташкил қилиниб, натижасига кўра қонунбузилиши ҳолатларини бартараф қилиш ҳақида 1 та тақдимнома киритилиб, 4 та интизомий ва 1 та маъмурий ишлар қўзғатилди. Қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида Қўнғирот минтақавий темирйўл узели бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

# Ватан равнақи, юрт ободлиги йўлида



/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни ва Республика Бош прокурорининг 2011 йил 9 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида"ги буйруғи ҳамда соҳавий буйруқлари билан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокуратура органлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган. Шундан келиб чиқиб, Самарқанд вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорларнинг қонуний ҳимоясини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш, инвестиция дастурига киритилган объектларнинг қурилиши, банк-молия тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш, бу соҳадаги қонунбузилишларни бартараф этиш ҳамда вилоятда мазкур йўналишларда амалга оширилаётган тадбирларнинг сифат ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу даврда прокурорлар томонидан тадбиркорлик субъектлари билан 204 маротаба учрашувлар ташкил қилиниб, уларда 12 минг 233 нафар тадбиркор иштирок этган. Улар томонидан 72 та турли муаммолар кўтарилиб, барчаси ҳал қилинган ва 721 нафар тадбиркорга ҳуқуқий маслаҳатлар берилган. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича вилоят хўжалик судига 211 млн. 36 минг сўмлик 16 та даъво аризалари киритилиб, 25 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланиши таъминланган.

Бугун вилоятда 14757 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан 299,1 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, шундан хизмат кўрсатиш соҳаси учун 47,9 млрд. сўм, саноат учун 108,8 млрд. сўм, қурилиш учун 20,2 млрд. сўм, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш учун 40,9 млрд. сўм, савдо ва воситачилик учун 35,2 млрд. сўм ва бошқа турдаги хизматлар учун 37,7 млрд. сўм ажратилди. Муҳими, тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредит ҳисобига 10034 та янги иш ўринлари яратилди.

Агар жорий йилнинг олти ойи давомида барча манбалар ҳисобидан 48680 та иш жойлари ташкил қилинган бўлса, шундан 2235 таси янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, ишлаётган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобидан, 17377 таси кичик корхоналар ва микрофирмаларни барпо этиш, 6019 таси якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, 8661 таси касаначиликнинг барча шаклларини ташкил этиш, 9183 таси фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш, 4627 таси ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш, 587 таси иқтисодий ночор ва ишламаётган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ҳисобидан яратилган. Бу эса, тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлашдек долзарб масалани ҳал этишда катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Натижада ҳудудда экспорт салоҳияти ошиб, 55 тадан зиёд корхоналар томонидан жами 55,5 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди.

Вилоятда 2011-2015 йилларда саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини таъминлаш чора-тадбирлари Дастури ижроси доирасида жами 212 та лойиҳа тайёрланди. Барча лойиҳаларнинг молиявий манбалари аниқланган бўлиб, жами 81 млн. 516,1 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияларни жалб қилиш ҳисобидан 4931 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларидан келиб чиқиб, вилоятда тадбиркорликнинг яна бир муҳим йўналишларидан бири қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга, қишлоқ жойларда саноатни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш ва модернизация лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш ва истеъмол озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Жумладан, сутни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қуввати 13,6 тоннага тенг 6 та лойиҳа асосида Жомбой, Нуробод, Пастдарғом, Пайариқ, Самарқанд ва Тайлоқ туманларига зарур технологиялар олиб келиниб, ўрнатилмоқда. Гўштни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қуввати 800 тонна бўлган 4 та лойиҳа асосида Жомбой, Оқдарё, Нуробод ва Қўшработ туманларига технологиялар олиб келиниб, қурилиш ва ички пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу корхоналарнинг келгусида узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг биринчи ярмида асосан коллеж битирувчилари ҳисобига вилоят бўйича 101 та фермер хўжалиги ташкил этилиб, 267 гектар майдонда янги боғлар барпо этилди, 10 та фермер хўжаликларида 320 гектар майдонда интенсив боғлар, 33 та фермер хўжалигида 146 гектар майдонда токзорлар ҳамда 393,6 гектар майдондаги мавжуд боғлар қайта тикланди. 204 гектар майдондаги токзорларни қайта тиклаш орқали боғдорчилик фаолиятига 868 нафар қишлоқ аҳолиси жалб этилди.



Прокурорларнинг аралашуви билан фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун 45 гектар ер ажратилди. 25,6 тонна минерал ўғит, 4,3 тонна нефт маҳсулотлари, 437,6 млн. сўмлик кредит олиб берилишида, 32 млн. сўмлик қарздорликни ундиришда, 6 ҳолатда рўйхатдан ўтишда ва биноларни ижарага олиб беришда амалий ёрдам кўрсатилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан бир қатор корхоналарга, шу жумладан, хорижий инвесторлар иштирокидаги қўшма корхоналарга амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳар прокуратураси томонидан шу йил май ойида "Sam-Ertekc-Gilam" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг пахтадан ип калаваси ишлаб чиқариш лойиҳаси асосида ишга туширилишига ва ушбу корхонанинг коммуникация тармоғига уланишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда назорат текширув органларида ўтказилаётган текширишларда хорижий инвесторларнинг мурожаатлари кўриб чиқилиши, улар томонидан кўтарилган масалаларнинг ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг талабларини ноқонуний рад этиш ёки кўрилмасдан қолдириш ҳолатларига қатъиятлик билан муносабат билдириш йўлга қўйилди.

Вилоятда тадбиркорлар сафини коллежларимизни тамомлаётган замонавий билим ва янгича дунёқарашга эга бўлган ёшлар ҳисобига оширишга принципиал тарзда ёндашилди. Бу борада 57 минг 971 нафар битирувчи 19987 та корхонага уч томонлама шартномалар асосида бириктирилди. Хусусан, Жомбой туманида вилоят прокуратураси раҳбарияти томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва уларнинг ота-оналари билан кенг қамровли тадбир ўтказилиб, мамлакатимизда битирувчиларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратилганлиги ҳақида маълумот берилди ҳамда тижорат банклари томонидан имтиёзли фоизларда кредит маблағлари ажратилишида амалий ёрдам ташкил этилди. Биргина шу тадбирларнинг ўзида 247 нафар битирувчига тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли фоизларда кредит олишга имкон берувчи расмий сертификатлар топширилди. Жумладан, битирувчилардан 70 нафари тикувчилик, 70 нафари чорвачилик, 38 нафари аҳолига компьютер хизмати кўрсатиш, 30 нафари деҳқончилик, 20 нафари паррандачилик билан шуғулланиши учун тижорат банклари томонидан кредит маблағлари берилиши таъминланди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастури асосида "Мустақиллик бунёдкорларимиз" шиори остида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, вилоят прокуратураси ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида Самарқанд шаҳрида касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг "Касб байрами" ташкил этилиб, "Энг яхши мутахассис" ва "Энг яхши бизнес лойиҳа" тақдимотлари ўтказилди. Мазкур тадбирда 33 та ихтисослик йўналиши бўйича касб-ҳунар коллежини тамомлаган 8 минг 460 нафар битирувчи 3 йил давомида олган билими ва касб малакасини намойиш қилди. Шунингдек, "Энг яхши бизнес лойиҳа" тақдимоти давомида битирувчиларнинг 15 та соҳа бўйича тақдим этилган 250 та бизнес лойиҳасига кредитлар ажратилиши бўйича сертификатлар топширилди. Хусусан, Самарқанд банк коллежи битирувчиси Н.Умарова "Микрокредитбанк" вилоят бўлими томонидан "Полиэтилен маҳсулотларини қайта ишлаб хомашё олиш" бизнес лойиҳаси учун 56 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. "Касб байрами"нинг якуний қисми "Ниҳол" амфитеатрида ўтказилиб, 100 нафар битирувчи шу жойнинг ўзида иш берувчилар томонидан ишга қабул қилинди.

"Обод турмуш йили"да касб-ҳунар коллежларида "Тадбиркорлик бурчаклари", "Тадбиркорлик мактаблари" ташкил қилиниб, савдо-саноат палатаси, банклар, солиқ ва молия органлари томонидан ўқув машғулотлари ўтказилди. Коллежларни битирган, ўз тадбиркорлигини ташкил қилиш истагида бўлган 8685 нафар битирувчининг рўйхати Марказий банкнинг вилоят бош бошқармасига тақдим қилинди.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоқларининг шаклланиши ва истиқболи кўп жиҳатдан ҳуқуқий асосларнинг такомиллашувига боғлиқ. Президентимизнинг 2013 йил 17 апрелдаги "2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори тадбиркорликни янада равнақ топтиришга хизмат қилмоқда. Ушбу қарор асосида вилоятимизда махсус дастур ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган. Шунингдек, 2012 йил 27 апрелдан кучга кирган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонун ҳам тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришнинг янги имкониятларини очиб берди. Қонун берган имкониятлардан фойдаланиб, жорий йилда оилавий 1129 та янги корхоналар ташкил этилди.

2013 йилга белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш, иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва кўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялашга қаратилган вазифа ва тадбирларни амалга оширилиши вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ижобий таъсир кўрсатди.

Вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 2684,9 млрд. сўмни ёки ўтган йилга нисбатан 110,6 фоизни ва аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 791,2 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 108,8 фоизга ўсди. Вилоятнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 5,3 фоизни ташкил қилди. 1473,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 113,9 фоизни, халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш 959,6 млрд. сўмни ёки ўсиш суръати 115,8 фоизни ташкил этди.

Мухтасар қилиб айтганда, тадбиркорликка қаратилаётган юксак эътибор туфайли юртимиз обод, турмушимиз фаровонлашиб бормоқда. Бунда соҳа ривожига ёрдамини аямаётган прокуратура органларининг муносиб ҳиссаси бор.

## Саҳифаларимизда Самарқанд вилояти



Ташкил топган вақти — 1938 йил 15 январь. Умумий майдони — 16,8 минг км². 2013 йил 1 январь ҳолатидаги аҳоли сони — 3 миллион 380 минг 700 киши.
Шаҳар ва туманлари: Каттақўрғон шаҳри, Булунғур, Иштихон, Жомбой, Каттақўрғон, Нарпай, Нуробод, Оқдарё, Пайариқ, Пастдарғом, Пахтачи, Самарқанд, Тайлоқ, Ургут, Қўшработ.
Вилоятда "Самарқанд автомобил заводи", "8-Март" масъулияти чекланган жамияти, "JV MAN AVTO", "БАТ Ўзбекистон", "Дака Текс", "Сам-Антеп-Гилам", "Прага-Пиво", "Агромир Самарқанд" қўшма корхоналари, "Самарқандлифт", "Сино", "Самарқандкимё" акционерлик жамиятлари каби кўплаб мамлакат аҳамиятига молик саноат корхоналари фаолият юритмоқда.
Вилоят ҳудудида 7 та олий ўқув юрти, 160 та касб-ҳунар коллежи, 14 та академик лицей ва 1232 та умумтаълим мактаблари мавжуд.



# Мустақил юрт фермерлари

## ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИБ КЕЛИШМОҚДА

***Ўтган йиллар мобайнида энг катта ютуқларимиздан бири — мамлакатимизда ғалла мустақиллигига тўлиқ эришилди: ўз донимиз, ўз нонимизга эга бўлдик. Агар ёдингизда бўлса, истиқлолнинг дастлабки йилида юртимизда жами 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик бор-йўғи 17 центнерни ташкил этган эди. Республикамиз дон ва ун таъминоти бўйича бутунлай бошқа давлатларга қарам бўлиб кун кечиришга мажбур эди. Ўтган йиллар мобайнида ғалла мустақиллигини қўлга киритганимиз, ҳосилдорлик 3 каррадан кўпроқ ошгани, умумий ҳосил 7 баробардан зиёд кўпайгани, ҳозирги вақтда нафақат ўз эҳтиёжимизни таъминлаш, айни пайтда хорижга дон экспорт қилишга эришганимиз бу борадаги энг катта ютуқларимиздан саналади.***

Юртбошимиз жорий йилнинг 16 июлида Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табригида Самарқанд вилоят ғаллакорларининг меҳнатини муносиб баҳолади. Иштихон ва Оқдарё туманларида ҳосилдорлик 60-75 центнердан ошганини, Каттақўрғон туманидаги "Ҳосил", "Шакар ота" фермер хўжаликларида гектаридан 100 центнер ва ундан ошириб ҳосил олингани юртимиз деҳқонларининг меҳнат жасоратининг яна бир амалий ифодаси бўлганини таъкидлаб ўтди.

Бу йил ҳам далаларимизда халқимизнинг эҳтиёжини тўлиқ қондирадиган даражада ҳосил етиштирилди. Хусусан, 110 минг 100 гектар сувли ва 49 минг гектар лалми майдонларда ғалла етиштирган вилоятимиз ғаллакорлари шу кунгача 300 минг 70 тоннадан ортиқ дон йиғиштириб олишди. Бундан ташқари, шартномавий режани уддалаган юзлаб фермер хўжаликлари ортиқча ғаллани ўзларида қолдиришмоқда. Бунинг эвазига қўшимча даромад кўришмоқда. Энг муҳими, улар ўзларида қолган донни ишчилари ва маҳалласидаги кам таъминланган оилалар билан баҳам кўрмоқда. Эътибор беринг, 1992 йилда Самарқанд вилояти бўйича 190 дан ортиқ фермер хўжалиги ташкил этилиб, уларга 1,5 минг гектар ер ажратиб берилган бўлса, бугунги кунга келиб, фермерлар сони 8 минг 388 нафарга етди. Улар ихтиёридаги ер 534 минг 549 гектар майдонни ташкил этади. Натижаларимиз билан мақтана оламиз, фермерлик ҳаракати бошланган илк йилда бир гектар ғалла майдонида ўртача ҳосилдорлик 11,9 центнерни ташкил этган бўлса, ўтган йили 53,8 центнерга етди. Жорий йилда эса бу салмоқ ўртача 55,4 центнерга етди. Илгари ғалладан ҳосилдорликни 40 центнерга етказган фермер бармоқ билан саноқли эди. Ҳозир эса 75-80 центнерлик ҳосилдорликка эришаётган мулкдорларнинг саноғи йўқ.

Бугун буларни айтишимиздан мақсад — истиқлолгача ўзбек деҳқони донга тўлган омборлари-ю, ғаллачиликдан орттирган даромадидан уй қуриш, машина харид қилиш, бойлик ҳақида орзу ҳам қила олмасди. Бугун уларнинг имкониятлари кенгайди. Энди ғаллакор ҳам, пахтакор ҳам кечаги оддий деҳқон эмас. У керак бўлса ҳисоб-китобни ҳам, ҳақ-ҳуқуқини ҳам яхши билади. Қилган меҳнати бесамар кетмаслигини, ундан ўзи ҳам, бошқалар ҳам наф кўришини тўлиқ англайди. Шу боис, унинг қадами шахдам, сўзи бурро, қараши дадил. Бугун унинг юрагида шижоат бор, эртанги кунга ишонч бор. Бу ишончни фермерга шубҳасиз мустақиллик берди.

Президентимизнинг 2013 йил 6 майдаги "2013 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳамда бу борадаги Республика Бош прокуратурасининг топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида вилоят прокуратураси органлари томонидан мунтазам равишда мониторинг ва текширишлар ўтказилиб борилиб, сусткашликка йўл қўйган масъул шахсларнинг масъулиятини ошириш ва айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи қатъий ҳал қилинди.

Хусусан, Нарпай туман ҳокимлиги томонидан бириктирилган отряд раҳбари В.Отақуловнинг ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги оқибатида "Эсанбобо" фермер хўжалиги мансабдор шахслари контрактация шартномасига асосан 101,3 тонна ғаллани етиштириш ва давлатга сотиш мажбуриятини олган бўлса-да, шартномадаги мажбуриятларини тўлиқ бажармасдан, 11 тонна 520 килограмм буғдойни уйига олиб бориб туширган. Ушбу ҳолат бўйича Нарпай туман прокуратураси ва ИИБ ходимларининг аралашуви билан 11 тонна 520 килограмм буғдой давлатга топширилиши таъминланди. Фермер хўжалигида ғалла ўрган комбайнга масъул бўлган отряд раҳбари В.Отақуловга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган.

Шунингдек, Пайариқ туманидаги "Деҳқонобод-А", "Порлоқ йўл", "Дарвишиқ-ТШ", "Катта Чўрош" ММТПлар ҳудудларидаги фермер хўжаликлари томонидан ғалла етиштириш бўйича контрактация шартномалари тўлиқ бажарилмаётганлиги, ғалла ўриш мавсумида иштирок этаётган ғаллани ташиш техникалари ва комбайнларга хизмат кўрсатувчи техникаларнинг тўлиқ таъмирланмаганлиги оқибатида ушбу техникалар тўлиқ иштирок этмаётганлиги аниқланди. Туман прокурори томонидан қонунбузилиши ҳолатини бартараф қилиш юзасидан туман ҳокими номига тақдимнома киритилган.

Шу билан бир қаторда, вилоят прокуратураси органлари томонидан фермер хўжаликларига 2,58 гектар ер майдони, 32 тонна минерал ўғит, 4,8 тонна ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, 15 тонна омухта ем, 104,6 млн. сўм банк кредити, 800 минг сўмлик нақд пул маблағлари, 1,5 млн. сўм иш ҳақи олиб берилишига, 19 млн. сўмлик дебитор қарзларнинг ундирилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Заҳматли меҳнати туфайли эл фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ғаллакор фермерларнинг хайрли ишларидан халқимиз мамнун. Уларнинг халқимиз турмуши ободлиги йўлида олиб бораётган ҳар бир ишида вилоят прокуратураси органлари кўмакдошдир.

**Баҳриддин ҒАФФОРОВ,**
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи



# Инсон ҳуқуқлари омили



***Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва самарали ҳимоя қилишнинг етакчи омилларидан биридир.***

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ижроси юзасидан Самарқанд вилоят прокуратураси органлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, назорат-текширув идоралари ҳамда бошқа муассасаларда текширишлар ўтказиб борилмоқда.

Текширишлар жараёнида бошқарув органлари ва бошқа муассасаларда фуқароларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқмаслик ёхуд асоссиз рад этиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Бу эса, фуқароларнинг ҳақли эътирозларига, шунингдек, уларнинг республика идораларига такроран мурожаат қилишларига сабаб бўлган. Масалан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг собиқ ўринбосари У.Суванов ва бошқалар қонун талабларини қўпол равишда бузиб, бошқармага келиб тушган 47 та мурожаатнинг кўриб чиқиш муддатини сабабсиз ўтказиб юборган. Бу ҳам етмагандай, мурожаатлар юзасидан умуман текшириш олиб борилмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги оқибатида ариза ва шикоят хатларининг айримлари йўқолиб, муаллиф ҳуқуқларининг бузилишига сабабчи бўлишган.

Шу каби ҳолат "Самарқандшаҳаргаз" филиалида ҳам қайд этилди. Жорий йилда ушбу идорага келиб тушган 34 та ариза ва шикоят мансабдор шахслар томонидан текширилмаган ҳамда муаллифларга жавоб хатлари берилмаган.

Бундай беparволикларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан чоралар кўрилди.

Текшириш натижалари қонуний ҳал этилиши керак бўлган ариза ва шикоятларнинг ваколатли бўлмаган ташкилотлар томонидан кўрилаётганини ҳам кўрсатди. Масалан, Пастдарғом тумани "Арабхона" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Ш.Юлдашева жорий йилнинг 22 январь куни туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, болалар поликлиникаси руҳшуноси Г.Муродованинг 2011 йилда ногирон фарзандига пенсия тайинлаш учун 200 минг сўм пул талаб қилгани, шундан 180 минг сўмни берганлиги, 2012 йилда яна пул сўраганида пулни топиб бера олмагани сабабли фарзандига ногиронлик нафақаси тайинланмасдан қолганини, Г.Муродовага нисбатан қонуний чора кўришни сўраган. Ваколатига кирмаса-да туман ҳокимлиги мазкур мурожаатни кўриб чиқиб, аризадаги важлар ўз тасдиғини топмагани ҳақида муаллифга жавоб хати тайёрлаган. Мазкур ҳолат юзасидан прокуратураси томонидан туман ҳокимлиги бош мутахассиси Х.Қодировга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган.

Пайариқ туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда мутасадди идоралар томонидан айрим ариза ва шикоятларнинг кўриб чиқилишида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддаси талаблари бузилганлиги аниқланган. Қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйган Пайариқ туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Шодиевга, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи А.Намуратовга, туман бош архитектори З.Ҳайитовга, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи А.Анорбаевга, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раисининг ўринбосари О.Умировга ҳамда ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати давлат унитар корхонаси бошлиғи Ш.Рўзимуродовларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилиб, кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича туман судига юборилган.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига кўра, фуқароларнинг мурожаатлари агар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органга жўнатилиши ва бу ҳақда фуқарога хабар қилиниши белгиланган. Бироқ Оқдарё тумани бош архитектори А.Воҳидов фуқаро А.Панининг жорий йил 29 апрелдаги аризасини 15 майда фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судига юбориб, бу ҳақда муаллифга кечиктириб жавоб берган. Натижада А.Воҳидовга нисбатан МЖтКнинг тегишли моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган.

Умуман, қонун ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида ҳокимликларда 279 та, молия тизимида 36 та, меҳнат, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимларида 6 тадан, давлат архитектура ва қурилиш тизимида 9 та, ер ресурслари ва давлат кадастри тизимида 171 та ҳамда бошқа идораларда 100 та ҳолатда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талаблари бузилгани аниқланиб, 200 га яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 4 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 170 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

**Жамшид АҲМЕДОВ,**
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

*Асосий Қонунимиз мамлакатимизда қонунчилик фаолиятини ривожлантиришга катта имконият яратиб берди. Уни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги масалаларни ҳал қилиб берувчи бошқа барча қонунларнинг, шу жумладан, махсус қонунлар тизимини ташкил этувчи кодексларнинг юридик манбаи, пойдевори десак, хато бўлмайди.*

# Процессуал муддатлар

## уларга риоя этишнинг ўзига хос хусусиятлари

Матлуба АМИНЖОНОВА,
Бош прокуратуранинг
ОЎК кафедра бошлиғи, ю.ф.н.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла кафолатланган бўлиб, 44-моддага кўра ҳар, бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Фуқароларга белгиланган бу Конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш учун миллий қонунчилигимизда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилишда процессуал мажбуриятларга риоя этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодекси (ФПК)нинг 33-моддасига кўра, тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, процессда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ишда иштирок этувчи шахслар деб тан олиниб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган. Жумладан, ушбу кодекснинг 34-моддасида ишда иштирок этувчи шахсларнинг бир қатор ҳуқуқлари санаб ўтилиб, уларнинг ўзларига берилган барча процессуал ҳуқуқлардан адолатли равишда фойдаланишлари ва ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришлари шартлиги таъкидлаб ўтилган.

Процессуал мажбуриятлар тизимида процессуал муддатларга риоя этиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, процессуал муддатлар фуқароларнинг ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилишда риоя этилиши лозим бўлган муддатлар ҳисобланиб, бу муддатларга риоя этилмаслиги тарафлар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади. Ана шу жиҳатдан ҳар бир процессуал ҳаракатларни амалга оширишга доир қатъий муддатлар қонунларда белгилаб қўйилади. Агар қонунларда бундай процессуал муддатлар белгиланмаган бўлса, бу муддат судлар томонидан белгиланади.

Процессуал қонунчиликда муддатларни ўтказиб юбориш, кечиктириш, тўхтатиб туриш ва тиклаш тартиби ва унинг ҳуқуқий оқибатлари белгилаб қўйилган бўлиб, бу масалаларга қатъий риоя этиш одил судловнинг таъминланишини кафолатлайди. Бу вазифаларни амалга ошириш, яъни процессуал муддатларга риоя этишни таъминлаш ишни кўришга масъул бўлган судьяларнинг асосий мажбурияти ҳисобланади.

Ҳар бир процессуал ҳаракатни амалга оширишга доир махсус муддатлар белгиланган бўлиб, фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ариза қабул қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим. Бу муддат алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар бўйича судьянинг асослантирилган ажримига биноан кечиктирилиб, йигирма кунга етказилиши мумкин.

Алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича қўзғатилган ишлар, башарти, тарафлар бир туман ёки шаҳарда жойлашган бўлса, биринчи инстанция суди томонидан судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай, бошқа ҳолларда эса йигирма кундан кечиктирмай кўрилиши лозим.

Қолган фуқаролик ишлари судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўрилиши лозим. Бу муддатлар, албатта, фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва кўриш билан боғлиқ муддатлар бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, фуқаролик процессида бошқа процессуал муддатлар ҳам мавжуд бўлиб, бу муддатларга риоя этиш нафақат судларнинг, балки судда қатнашувчи бошқа шахсларнинг ҳам вазифаси ҳисобланади. Чунки ушбу муддатларга риоя қилинмаслиги ишларни судда кўришга қабул қилишга монелик қилади. Масалан, суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан йигирма кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти беришлари, прокурор протест келтириши мумкин. Кўрсатилган муддат ўтганидан кейин берилган шикоят (протест) кўрилмасдан қолдирилади ва шикоят (протест) берган шахсга қайтарилади.

Шунингдек, Фуқаролик-процессуал кодексида ишни апелляция инстанциясида кўриш муддатлари ҳам қатъий белгилаб қўйилган бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди апелляция шикояти ёки протести бўйича тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай кўриши лозим. Иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа алоҳида ҳолларда тегишли суднинг раиси бу муддатни кўпи билан яна ўн кунга узайтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди апелляция шикояти ёки протести бўйича тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқиши лозим. Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси ёки унинг ўринбосари бу муддатни кўпи билан яна бир ойга кечиктириши мумкин.

Ишни апелляция инстанциясида кўриш муддати кечиктирилган тақдирда, ишда иштирок этувчи шахсларга иш кўриладиган кун ҳақида олдиндан хабар қилиниши лозим.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, процессуал муддатлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у фуқароларнинг ҳуқуқларини тиклашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам қонунчиликда бу муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилганда уни тиклаш қўшимча ҳуқуқи белгиланган. Лекин айрим ҳолларда судлар бу муддатларни суд процессининг истаган вақтида тиклаш мумкин эмаслигига эътибор қаратмайдилар.

Бу борадаги амалиётга назар соладиган бўлсак, фуқаро Т.Раҳимов жавобгар туман ҳокимлигига нисбатан қўшимча қурилган уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқини белгилаб бериш ҳақида даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Туманлараро суднинг 2004 йил 22 январдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, Саноат кўчаси, 21-уйдаги 1458 м² ер майдонида қўшимча қурилган ошхона, бостирма ва бошқа қурилишларга Т.Раҳимовнинг эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Фуқаролик иши апелляция ва кассация инстанцияларида кўрилмаган.

Шаҳар суди раёсатининг 2012 йил 26 февралдаги қарори билан ҳал қилув қарорига нисбатан назорат тартибида протест келтириш муддати тикланиб, ҳал қилув қарори бекор қилинган ва иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган. Лекин бу вақтда мазкур иш бўйича қабул қилинган суднинг ҳал қилув қарори 2007 йил 12 февралда қонунда белгиланган уч йиллик даъво қилиш муддати ўтган эди.

Фуқаролик-процессуал кодексида суд қарорларига нисбатан назорат тартибида протест келтириш ёки шикоят келтириш муддатини тиклаш назарда тутилмаганлигига қарамасдан суд процессуал ҳаракатларни амалга ошириш муддатини тиклаган.

Фуқаролик-процессуал кодексининг 350-моддаси 4-қисмига кўра, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч йил ўтгандан кейин берилган аризалар кўрилмайди.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2012 йил 8 июндаги ажрими билан раёсат қарори бекор қилинган. Шунингдек, Фуқаролик-процессуал кодексида протест келтириш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддатлари ҳам қатъий белгиланган бўлиб, протест келтириш тўғрисидаги ариза бир ойлик муддатда, иш талаб қилиб олинадиган ва текшириладиган ҳолларда икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши керак. Протест келтириш учун асос бўлмаса, ариза берган шахсга аризани қаноатлантирмасдан қолдириш сабаблари кўрсатилиб, ёзма жавоб берилиши лозим.

Фуқаролик-процессуал кодексида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа яна бир қатор процессуал муддатлар белгиланган. Албатта, бу муддатларга риоя этиш процессуал мажбурият ҳисобланса-да, фуқаролик процессининг фуқаролик процессида иштирок этувчи шахсларнинг мажбуриятлари тизимида ифода этилмаганлигини кузатишимиз мумкин. Масалан, Фуқаролик-процессуал кодексининг 35-моддасида одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ёзма ва ашёвий далилларни сақловчилар, холислар ва ижро ишларини юритишда мол-мулкни сақловчилар одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ҳисобланиб, улар ўз тушунтиришларини оғзаки ёки ёзма равишда баён қилишга, ёзувлардан фойдаланишга, шунингдек, ушбу кодексда ўзларига берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақли эканлиги қайд этилган. Лекин мажбуриятлар хусусида эса "Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ўз зиммаларига юклатилган процессуал мажбуриятларни бажаришлари лозим", — деган жумлалар билан чекланилган, холос. Бу ҳолат мажбуриятларни ифода этувчи бошқа моддаларда ҳам шу тарзда қайд этилган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, процессуал муддатларга риоя этиш процессида иштирок этувчи барча шахсларнинг мажбуриятлари сифатида процессуал қонунчиликда мустаҳкамланиши лозим. Бу эса албатта, тарафларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқларининг ўз вақтида таъминланишига хизмат қилади.

*Юртимизда оилага жамиятнинг асоси, муҳим бир бўғини сифатида қаралади. Давлат миқёсидаги масала сифатида оила институтининг ҳуқуқий асослари аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Бош Қонунимизга мувофиқ, оила жамиятнинг асосий бўлаги ҳисобланиб, у жамият ва давлат муҳофазасидадир.*

# Сохта никоҳ

## уни ҳақиқий эмас деб топишнинг оқибатлари

Баҳром НУРМАТОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим бошлиғи

Оиланинг биринчи шарти — никоҳ. Расмий никоҳ қайд этилиши билан эр ва хотиннинг ўзаро ва жамият олдидаги ҳуқуқлари, бурчлари пайдо бўлади. Ана шу ҳуқуқ ва бурчларга амал қилиниши оилани мустаҳкамлайди, бундай оилаларга ўзининг жамият олдидаги вазифаларини бажара олади. Зеро, комил инсон ҳар томонлама фаровон, бекаму-кўст, соғлом оилада тарбия топади, улғаяди.

Қонуний никоҳ эр-хотиннинг ўзаро аҳдлашуви, иттифоқи сифатида муайян шартларга риоя қилиниб тузилади ва никоҳланувчилар ўртасида маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқаради. Бироқ баъзида никоҳ тузиш шартларига риоя этилмасдан тузилган никоҳлар ҳам учрайдики, уларнинг ҳуқуқий оқибатларини белгилаш, бу каби ҳолатларнинг олдини олиш зарурати пайдо бўлади.

Оила кодексининг 14, 16-моддаларида белгиланган шартлар бузилган тақдирда, шунингдек, сохта никоҳ, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ қайд қилдирганда никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш суд тартибида амалга оширилади. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъвони шахсий ёки жамоат манфаати бўлган шахс тақдим қилиши мумкин. Бундайлар доирасига никоҳ тузилиши оқибатида ҳуқуқи бузилган эр ёки хотин, никоҳланувчиларнинг ота-оналари, васийлик ва ҳомийлик органи ва прокурор киради.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар ҳам судга тааллуқли бўлиб, бундай туркумдаги ишлар низоли ишлар бўлганлиги сабабли умумий даъво ишларини кўриш тартибида ҳал қилинади.

Қонунда белгиланган никоҳ тузиш шартларини бузиб қайд қилинган никоҳ суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Масалан, никоҳ тузиш учун никоҳланувчиларнинг ўзаро розиликлари бўлмаса, бошқа бекор қилинмаган никоҳ мавжуд бўлса, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳга кирган ҳолатлар киради.

Тарафларнинг ёки улардан бирининг оила қуриш мақсадини кўзламай қайд қилинган никоҳи (сохта никоҳ) ҳам ҳақиқий эмас деб топилади. Афсуски, жамиятда тор шахсий манфаатларни кўзлаб сохта никоҳдан ўтиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига фуқаро Дилором Сафарова даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Акмал Хўжаевга (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) нисбатан никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Суд мажлисида аниқланишича, даъвогар Д.Сафарова жавобгар Л.Хўжаев билан 2010 йил 16 июль куни Чилонзор туман ФҲДЁ бўлимида қонуний никоҳдан ўтишган. Бироқ бу никоҳ оила қуриш мақсадида эмас, ўзаро келишилган шарт асосида тузилган. Тарафлар оилавий муносабатларга киришмаган, умумий рўзғор юритмаган. Бу келишувга кўра, Чилонзор туманидаги уйни жавобгар Л.Хўжаев "хадя" тариқасида қабул қилиб, Тошкент шаҳрига доимий рўйхатга ўтиши, бунинг учун эса ундан талаб қилинадиган нарса — даъвогар Д.Сафаровага "уйланиши" ва "никоҳ"дан кейин уйни унинг номига расмийлаштириб бериши, шундан кейин судга ариза бериб, ажрашиши керак бўлган.

(Давоми-9 бетда)

*Ҳамон Довуд (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қабиҳ ниятини амалга ошириш фикридан қайтмади. Уч йил аввал, аниқроғи, 2008 йилда унга таниши Расул хотини хиёнат қилаётганини айтганди. Расул етказган маълумотга қараганда, турмуш ўртоғи Гулбаҳор гўрков Қосим ва бир неча йиллардан буён оилавий борди-келди қилиб юрадиган таниши мулла Раҳим билан яширинча учрашиб юрган эмиш. Бу гапдан тепа сочи тикка бўлган Довуд уйига бориб, хотинини сўроққа тутди. Гулбаҳор бу гаплар бўҳтон эканлигини айтса-да, Довуд унга ишонмади, фикриўйини Раҳимдан ўч олиш эгаллади...*



# Ёвуз ниятли меҳмон

**Одил РЎЗИЕВ,**
Сирдарё вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Довуд ўтган йиллар давомида қасд олиш дарди билан яшади. Аслида Гулбаҳор билан муносабатлари дарз кетиб, улар 2009 йилда ажрашишганди. Уйидан чиқиб кетган Довуд аввалига Олмалиқ шаҳрида биринчи турмуш ўртоғидан туғилган фарзанди Дилшоднинг уйида яшаб юрди. Кейинчалик Жиззахга — божасининг уйига йўл олди. У ерда божанинг қўмаги билан иккинчи турмуш ўртоғи Марина билан топишиб, бирга яшай бошлади. Бироқ унга ўч олиш фикри тинчлик бермасди. Ўйлай-ўйлай бир қарорга келди. Анчадан буён режалаштириб юрган ишини амалга оширишга бел боғлаган Довуд 2011 йилнинг 28 ноябрь куни Сирдарёга йўл олди. Мулланинг уйига кириб борганида кеч бўлиб қолган эди. Бу пайтда Раҳим Имомов икки ўғли билан чой ичиб ўтирарди. Хонадон соҳиби кутилмаган меҳмонни унча хушламай кутиб олган бўлса-да, меҳмонга иззат кўрсатди.

Шу куни Раҳимнинг хонадонида тунаб қолган Довуд эртаси куни ҳам мулланинг уйидан кетмади. Кечки овқат маҳали яна бир меҳмон келиб қолди. Бешовлашиб кечки овқатни тановул қилишди. Овқатдан сўнг бир муддат суҳбат қуриб ўтиришди. Исроил ака улар билан хайрлашиб, уйига кетди. Довуд эса яна Раҳимнинг хонадонида қолди. Ҳамма ухлаш тараддудини кўра бошлаганида у кечаси ҳожатхонага чиқиши мумкинлигини айтиб, мулланинг ўғилларидан итни боғлаб қўйишни илтимос қилди. Бу режани амалга ошириш учун ташланган дастлабки қадам эди.

Соат миллари 23:30га яқинлашаётганда режасини амалга ошириш ҳақида ўйлаб, кўзига уйқу келмай ётган Довуд аста ўрнидан турди. Йўлакка чиқиб, хонадон бошлиғи ухлаб ётган хона олдига келди-да, ичкарига мўралади. Мулла Раҳим донг қотиб ухларди. Довуд ичкарига кириб, унинг тепасига келди. Олдиндан Раҳимнинг ётоқхонасига кириб юрганлиги сабабли хонадон соҳиби диван остида болта сақлашини яхши биларди. Энгашиб, диван тагидан ёғоч дастали болтани олди. Қўлида болта тутган қотил шу тобда муллага нафрат билан қараб турар, қулоғи остида хотинининг мулла билан дон олишиб юрганлиги ҳақидаги Расул айтган гаплар жаранглар-ди. Қони қайнаган Довуд кўзларини чирт юмиб, болтанинг орқа қисми билан Раҳимнинг бошига уч марта туширди. Лекин бу қотилни қаноатлантирмади шекилли, болтанинг орқа қисми билан унинг кўкрагига ҳам урди. Шундан кейин хонадон соҳибининг жони узилди. Раҳимнинг ўлганига ишонч ҳосил қилган Довуд унинг устига кўрпа тортиб, ортига қайтди.

Мулланинг ётоқхонасидан чиққан қотил энди унинг кичик ўғли Суннатуллонинг хонасига бош суқди. Бир кун аввал уйларига меҳмон бўлиб келган одам уларнинг умрига зомин бўлиши тушига ҳам кирмаган Суннатулло ширин уйқуда эди. Кўзи қонга тўлган, айни дамда бутунлай ақлини йўқотган Довуд аввалгидай болтанинг орқа қисми билан йигитчанинг бошига икки марта зарба берди... Бу сафар бироз ҳаяжон сабабли бўлса керак, қўлидаги болтани тушириб юборди. Тарақлаган овоз меҳмонхонада ётган Забиҳуллони уйғотиб юборди. Аммо бу Довуднинг олдига қўйган мақсадини амалга ошириш учун тўсиқ бўлолмади.

Бир неча дақиқалар ичида икки ожиз аҳволдаги одамнинг "бошига етган" Довуд шу билан тўхтаб қолмади. У бу хонадондагиларнинг барчасини гумдон қилишни режалаштирган эди. Довуд жиноий ҳаракатларини давом эттириб, меҳмонхона томон юрди. Эшик олдида Забиҳулло билан тўқнаш келди. Довуд дарҳол болтани орқасига яширди. Мулланинг катта ўғли ярим кечаси уйғоқ юрган меҳмонни сўроққа тутди.

— Нима қиляпсиз, Довуд ака?

— Ҳеч нарса қилаётганим йўқ, — у шундай деди-да, кутилмаганда Забиҳуллонинг бошига болта билан туширди. Йигит зарбдан деворга суянган ҳолда ўтириб қолди. Бундан фойдаланган Довуд болтанинг орқа қисми билан унинг бош қисмига яна икки марта зарба бериб, умрига зомин бўлди.

Хонадон вакилларини бирин-кетин "тинчитган" ёвуз ниятли меҳмон марҳум Р.Имомовнинг ётоқхонасига кириб, диван тагидан 1 млн. 400 минг сўм пул, қиймати 120 минг сўмлик тилла узук ва бир банка асални қўлтиқлаб, хонадонни тарк этиш тараддудига тушди. У ҳаммасини олдиндан ўйлаб, режалаштириб қўйган эди. Шунинг учун кетар чоғи хонадоннинг кириш эшиги ва дарвозасига қулф солди. Шу орқали у барчани чалғитмоқчи эди. Бироқ жавобгарликдан қочиб қутула олмаслигини қонун посбонлари қўлига тушганида англаб етди.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди томонидан уч инсоннинг умрига зомин бўлган Д.Боситовга умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

*Одам савдоси ҳақида бугун жуда кўп ва хўп гапирилаяпти. Бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш борасида тегишли чора-тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилаётганига қарамай, баъзи содда одамлар ҳамон айрим тили "ширин", нияти ёвуз кимсаларнинг "тўри"га илиниб қолишмоқда.*

# Ишонмагин «дўстинг»га...

**Баҳром ҚОБИЛОВ,**
Миробод туман прокуратураси терговчиси

Ҳамида Шоимова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Тошкентга бирор-бир иш топиш илинжида келганида Москва "саёҳатига йўлланма"ни қўлга киритиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Аввалига у бундай кутилмаган "саёҳат"дан хурсанд бўлган бўлса-да, аммо қандай якун топишини билганида кеч бўлганди. Унинг ишонувчанлиги ва соддалиги бошқаларнинг мақсадларини бемалол амалга оширишларига жуда қўл келди.

Тошкентга келган Ҳамида ўзи олдиндан билган жойларини айланиб чиқди. Бирида иш ҳақи тўғри келмаса, бошқасидаги иш шароити ва талаблар ёқмади. Иш қидириш билан кунни кеч қилди. Тошкентда борадиган жойи бўлмаганлиги учун эски таниши Собирга қўнғироқ қилиб, тунаб қолишда ёрдам беришини илтимос қилди. Собир кўп ўйлаб ўтирмасдан, улар турган институтнинг талабалар ётоқхонаси олдига келишини тайинлайди. Ҳамида айтилган манзилга етиб келганида Собир кутиб олди-да, ўзи хонадошлари Комил, Маъмур ва Илҳомларнинг олдига чиқиб кетди. Ҳамхоналарига вазиятни тушунтирганида, Комил билан Маъмур қиз болани бу ерга олиб кириб бўлмаслиги, агар биров билиб қолса, ётоқхона тугул ўқишдан ҳам ҳайдаб юборишлари мумкинлигини айтишди. Уларнинг гапи тўғрилигини англаган Собир Илҳом билан қизлар ётоқхонасидан жой излаб кўриш мақсадида чиқиб кетди. Лекин аксига олиб, у ердан ҳам жой топишнинг имкони бўлмади. Иложсиз қолган йигитлар Ҳамидани кўчада қолдирмаслик учун яширинча ўзлари истиқомат қиладиган хонага олиб киришди. Шу тариқа Ҳамида тунни ўғил болалар хонасида ўтказишга мажбур бўлди. Эрталаб ўқишга отланган йигитлар унга ҳеч қаерга чиқмасликни тайинлаб, устидан қулфлаб кетишди.

Ўқишдан биринчи бўлиб Илҳом келди. Тушлик вақти бўлгани учун Илҳом Ҳамидани тушликка таклиф қилди. Иккovлари яқин орадаги ошхонага кириб овқатланишди. Бир маҳал Илҳомнинг қўл телефони жиринглаб қолди. Қўнғироқ қилаётган Комил эди.

— Нима қилаяпсан, Илҳом? — деб сўради Комил.

— Нима қилардим, Ҳамида билан тушлик қилиб ўтирувдик. Нега сўраяпсан?

— Биз Маъмур билан ўқишдан чиқиб, иш юзасидан "Диёр" боғи олдига келган эдик. Ишни битиргач, шу боғ ичидаги кафеда сизларни соат 17:00ларда кутамиз, — деди Комил.

Ҳамида ҳам бу таклифга эътироз билдирмади. Улар кафега кириб келишганида стол атрофида Комил, Маъмур ва Собир ўтиришарди. Ҳамида эски таниши Собирнинг талаба дўстлари билан жуда яхши чиқишиб қолди. Ўртада гап роса қизиб, анчагача ўтиришди. Бу орада Ҳамида Тошкентга иш излаб келганини айтиб, улардан ёрдам сўради. Бу гапни эшитган Илҳом дилидагини тилига чиқарди:

— Биз болалар билан икки кунга Москвага саёҳатга бормоқчи эдик, агар рози бўлсангиз, сизни ҳам олиб кетамиз.

— Билет, йўлкира биздан. Ҳаммамиз бир айланиб келамиз, — гапга қўшилди Комил.

— Қанақа бўларкин, иш излаб келиб, саёҳатга кетсам, — иккиланди Ҳамида.

— Қандоқ бўларди, зўр бўлади-да! Билетлар тайёр, фақат розилигингиз керак, — деди Маъмур ҳам четда қолмасдан. — Атиги икки кунга, холос.

— Майли, сизлар борсангиз, мен ҳам бораман.

— Хайрли ишни кечиктириб бўлмайди, дейишади. Шунинг учун биз тайёрмиз, сиз эса эртага кетишга тайёр бўлишингиз керак, — гапга якун ясаган бўлди Комил.

Вақтни хушчақчақлик билан ўтказган дўстлар яна талабалар ётоқхонасига қайтиб келишди.

Эртасига Комил билан Маъмур "Чорсу" бозорига қовун-тарвуз олгани кетишди. Илҳом билан Собир эса нарсаларни тайёрлаб, сумкаларга жойлай бошлашди. Лекин охирги вазиятда Москва сафарига фақатгина Ҳамида билан Илҳом борадиган бўлди. Шунда ҳам Илҳом паспортида камчилик борлиги сабабли эртаси куни тўғрилаб, самолётда биринчи рейс билан Ҳамидадан олдин етиб бориб, ҳатто уни вокзалда кутиб олишини айтди. Қолганлар эса яна икки кундан кейин етиб борадиган бўлишди.

Воқеаларнинг бундай тус олиши Ҳамидани шубҳалантириб қўйди ва саёҳатга бормаслигини айтиб, поездга чиқишдан бош тортди. Бу орада Илҳом билан Собир ҳам гап талашиб, бироз жанжаллашишди. Лекин Маъмур Ҳамида Москвада ёлғиз қолмаслиги, аксинча, Илҳомнинг акаси, келинойиси борлиги, бу ҳақда уларга тайинлаб қўйилганлигини айтиб, ишонтирганидан кейингина у поездга ўтиришга рози бўлди. Ҳамиданинг Москвага "саёҳати" айтилган манзилга келганида уни Илҳом эмас, балки унинг "келинойиси" ва "акаси" кутиб олганидан сўнг аён бўлди. Унинг поездан тушиши билан "саёҳатнинг бошланиши чакки эмас", деган гапига жавобан "келинойи"нинг "Қанақа саёҳат, бу ерга ишлагани, одамларнинг кўнглини олгани келдинг", деган гапи барча нарсага ойдинлик киритиб қўйди. Шу тариқа Ҳамидани фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилишди.

2012 йилнинг декабрь ойи охирларида қулай пайтдан фойдаланган Ҳамида у ердан қочишга муваффақ бўлди. Лекин тоби қочиб, касалхонага тушиб қолди. Ўзига келгач, бўлиб ўтган ҳолат ҳақида Москва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар берди.

Тошкентга қайтиб келганидан кейин эса аёлларни алдов йўли билан "саёҳат"га юборадиган шахсларга қонуний чора кўришни сўраб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ариза билан мурожаат қилди.

Мазкур ҳолат бўйича бўлиб ўтган суд мажлисида Ҳамида судланувчиларга нисбатан моддий ва маънавий даъвоси йўқлиги, фақат уларга қонун доирасида жазо қўллашни сўради. Суд тўртовлонннинг қилмишини атрофлича ўрганиб, Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми "г" бандини қўллаб, уларга турли муддатларга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

# Масъулиятни унутган оқсоқол

**Ўктам ЮСУПОВ,**
Қашқадарё вилоят прокурори ёрдамчиси

***Маҳаллалар азалдан меҳр-оқибат, одамийлик, хотиржамлик қўрғони бўлибгина қолмай, қадимий қадриятлар бешиги сифатида ҳам улуғланиб келинган. Хусусан, ҳар бир маҳалланинг ўзига хос қиёфаси, турмуш тарзи бор. Аҳиллик ва бирдамлик каби эзгу қадриятлар, кўни-қўшничилик муносабатларидан тортиб, ёши улуғларга ҳурмат, ёрдамга муҳтожларга кўмак бериш, бировнинг оғирини енгил қилиш, олийҳиммат бўлиш каби фазилатлар даставвал оилада, сўнг маҳаллада шаклланади. Бир сўз билан айтганда, маҳалла меҳр-оқибат, бағрикенглик маскани ҳисобланади. Қадриятларимизнинг барқарор бўлишида эса маҳалла оқсоқолининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш лозим.***

Маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланадиган инсон аввало, маҳалладошлари орасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак. Қолаверса, табиатида ҳалоллик, очиқкўнгиллик сифатларини шакллантирган бўлсагина, бундай оқсоқол кишилар ҳурматини қозонади. Оқсоқол вазифасига масъулиятсизлик билан қараса, ўз манфаатини бошқалар манфаатидан устун қўйса-чи?

Ваҳоб Мейлиев қишлоқ фуқаролар йиғини раиси вазифасига сайланар экан, қишлоқдошларига қайишишни, уларнинг оғирини енгил қилишни мақсад қилганди. 2008 йилнинг апрель ойидан 2012 йилнинг 10 октябрига қадар Яккабоғ тумани Хиёбон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси лавозимида ишлаган бу инсон негадир кейинги йилларда вазифасига юзаки қаради. Оқибатда давлат манфаатларига катта миқдорда зиён етказди. Маълумки, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси йиғин ҳузурида ташкил қилинган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш масаласи билан шуғулланувчи комиссия раиси ҳам ҳисобланади. Мазкур комиссия йиғин ҳудудидаги иқтисодий ночор оилаларни ҳисобга оладиган, уларга моддий ёрдам, вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақа, ишламаётган ва бюджет соҳасида ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинладиган ва тўлайдиган тузилмадир.

Ваҳоб Мейлиев бевосита комиссия раиси сифатида ушбу вазифани сидқидилдан бажариши мумкин эди. Бироқ амалда бундай бўлмади. Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш учун оиланинг ўртача ойлик даромад миқдори ҳисоблаб чиқилиши лозим эди. Ижтимоий нафақа даромад миқдори ҳар бир оила аъзосига энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган тақдирда тайинланади ва тўланарди. Бироқ Хиёбон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси мазкур комиссиянинг 2012 йил 29 февралдаги 4-сонли қарори билан фуқаролар Н.Рўзибоева ва Ў.Қурбоновага нафақа тайинлашда бу борадаги низомнинг талаби бузилишига йўл қўйган. Бунинг натижасида фуқароларга жами 14 млн. 403 минг 120 сўм нафақа тайинланиб, 5 млн. 536 минг сўми тўлаб юборилган.

"Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги Низом" болали оилаларга ижтимоий ёрдам норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида берилишини талаб этади ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига катта масъулият юклайди. Хиёбон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ваҳоб Мейлиев ушбу Низом бандларини ҳам қўпол равишда бузиб келган. Шунингдек, у фарзандини 2 ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш бўйича нафақа пули сўраган фуқаролардан бир нечтасининг шахсий томорқаси сатҳини камайтириб кўрсатиб, бу тўғрида сохта далолатномалар тузиб, давлат бюджетидан 8 миллион 294 минг 933 сўмлик нафақа пуллари асоссиз тайинланишига сабабчи бўлган.

Маҳалла ёки қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ўша ҳудудга тегишли ер участкаларини юридик ва жисмоний шахсларга ажратиш бўйича комиссия аъзоси саналади.

Хиёбон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги ҳашар йўли билан қурилган масжид биноси 2000 йилда вилоят адлия бошқармаси томонидан норасмий масжид деб топилиб, фаолияти тўхтатилганди. Бу бинодан эндиликда тадбиркорлик мақсадида фойдаланиш мумкинлигини оқсоқол яхши тушунарди.

Ғиёсхон Ҳафизов норасмий масжид биноси ва унинг ер майдонини тикувчилик ва иссиқхона сифатида фойдаланиш учун ажратиб беришини сўраганида Ваҳоб Мейлиев бу иш бироз харажатли эканлигига шама қилади. Анчагина ҳужжатларни расмийлаштириш зарурлигини, қолаверса, бинони олиш учун бошқа номзодлар ҳам борлигини айтиб, ишни тезлаштириб бериш эвазига 1 миллион 500 минг сўм сўрайди ва бинони олиш учун 7-8 нафар комиссия аъзоларининг имзосини олиш зарур эканлигини айтади. Ғ.Ҳафизов оқсоқолга комиссия аъзоларининг имзоларини ўзи қўйдиришини айтганда, Ваҳоб Мейлиев имкониятни қўлдан бергиси келмай, "Мен билан боғлиқ ҳужжатларни тайёрлашим учун 200 минг хизмат ҳақи берасиз", дейди иккиланмай. Ғ.Ҳафизов тамагир оқсоқолнинг ҳузуридан чиқиб, пул олиб келиш учун уйига боради. Чўнтагида 150 минг сўм пул билан қайтганида оқсоқолнинг қабулида одам кўп эди. Шу сабаб бироз кутишига тўғри келди. Иккови учрашганида эса вазият бутунлай бошқача бўлиб чиқди. Масжид биносини олиш ҳаракатида юрган биргина Ғ.Ҳафизов эмасди. Ишнинг чигаллашаётганини сезган оқсоқол масалани энди туман ҳокими ҳал этиши мумкинлигини айтади. Туман ҳокими Ғ.Ҳафизовга мазкур бинонинг харидори икки киши бўлганлиги учун эндиликда уни фақатгина кимошди савдоси орқали қўлга киритиш мумкинлигини тушунтиради.

Ғ.Ҳафизов бирор натижага эришмагач, тамагир оқсоқол В.Мейлиевнинг устидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ариза билан мурожаат этишга мажбур бўлди. Тергов давомида маҳалла оқсоқолининг қилмишлари фош этилди. Ноқонуний тайинланиб, тўлаб юборилган нафақа пуллари суд ҳукмига кўра, судланувчидан давлат фойдасига ундириладиган бўлди. Шунингдек, тамагирликни касб қилган Ваҳоб Мейлиев қилмишига яраша жазога тортилди.

# Ваҳшийлик

**Бегзод ЛАТИПОВ,**
Бош прокуратура бошқарма катта терговчиси

***Тонг отар-отмас уйғонган кампир ҳовлини кўздан кечиргач, орқа эшикни очиб қўйди-да, бир кун олдин ювган кирларини дазмоллашга киришди. Орасира ухлаб ётган эрига ҳам бир-икки назар ташлади. Уйғотмоқчи бўлди. Ётган жойида намоз ўқиётганини кўриб, фикридан қайтди. "Ҳожибобонинг иродасига қойил қолиш керак. Инсульт бўлиб, бир оёғи билан қўли яхши ишламай қолди. Шундай бўлса-да, ётган ҳолида бўлса ҳам намоз ўқийди-я!"***

У шундай хаёллар билан ишида давом этар экан, чоли чақириб, нонушта тайёрми, деб сўраб қолди. Кампир тасдиқ ишорасини қилиб, уни кийинтириш пайига тушди. Дориларини тайёрламоқчи бўлган эди, дераза ёнида турган шарпани кўриб қолди. Аввалига ким бўлди экан, дея ҳайрон бўлди. Аммо шу заҳоти ҳайронлик ўрнини қўрқув эгаллади-ю, бирор нима дейишга улгурмай, кутилмаган меҳмон икки-уч қадамда унинг ёнида пайдо бўлдида, бошидан рўмолини юлқиб олиш баробарида ерга йиқитиб, қўлларини боғлади. Кейин устига кўрпачаларни уюб, бир неча марта тепгач, қаёққадир кетди. Кампир бечора боғлиқ қўлларини бўшатишга урингунча қолаверди. Анча ҳаракат қилиб, охири қўлларини ечишга муваффақ бўлди. Амаллаб ўрнидан туриб, йўлакка чиқди-ю, қонга беланиб ётган эрига кўзи тушди. "Бобожон", дея икки-уч марта чақирди. Чол жавоб бермади. Шундан кейин гандираклаганча ташқарига йўл олди. Кўча эшик очиқ экан. Қўшнининг эшигини қоқди...

Тез ёрдам ходимлари хонадон эгаси вафот этганини қайд қилишди. Ички ишлар ходимлари эса суриштирув ишларини бошлаб юборишди.

Ўз вақтида олиб борилган тезкор-тергов ва суриштирув ишлари ўз самарасини берди. Кўп ўтмай, бола-чақаларини учирма қилгач, энди бир-бирига суянганча, бировга озор бермай яшаётган чолу кампирнинг уйига бостириб кириб, хонадон соҳибининг умрига зомин бўлган, бекага тан жароҳати етказиш баробарида бу ердан 800 минг сўм пул ҳамда тилла тақинчоқлар, қўл телефони каби жами 6 миллион 150 минг сўмлик буюмларни ўғирлаб кетган босқинчилар қўлга олинди. Ҳайрон қоларлик жиҳати, уларнинг иккиси ҳам ёш эмас. Баҳром Зарипов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)1961 йилда туғилган бўлса, Николай Зиямов 1951 йилда таваллуд топган. Бу кимсалар нафсларига қул бўлишди-ю, жиноятга қўл уришди. Салкам 80 ёшни қоралаб қолган, устига-устак юқорида қайд этилганидек, бир йил аввал инсульт бўлиб, бир оёғи билан қўли яхши ишламайдиган отахоннинг устига чиқиб олиб, пул талаб қилган босқинчилар, бу йўл билан ниятларига эриша олмасликларини сезиб, навбатдагисига ўтишади. Аввал электрошокерни қўллаб кўришади. Кейин эса бир учи очиқ симни отахоннинг баданига теккизиб, иккинчи томонини розеткага тиқишади. Оқибатда эса...

Айтмоқчи, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деганларидек тергов давомида иккаловнинг бундан бошқа жиноятлари, яъни содир этилган бўлса-да, очилмай қолганлари ҳам фош этилди. Жумладан, 1989 йилда Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи бир фуқаронинг уйига бостириб кирган икки-уч нафар шахс бекани уриб, минг сўм пули билан 5 минг сўмлик тилла тақинчоқларини ўмариб чиқишади. Ўша жиноятда айбланувчи Баҳром Зариповнинг холаси бўлиб, босқинчиларни эса Б.Зариповнинг ўзи у ерга жўнатган экан.

Бундан ташқари, Б.Зариповнинг уйида кўкнори етиштираётгани аниқланган бўлса, Н.Зиямовнинг хонадонидан 3,19 грамм гиёҳвандлик воситаси ҳам топилади.

Шу ўринда Б.Зарипов қўл урган яна бир ҳолатга тўхталиб ўтиш жоиз. Буни қаранги, "қаҳрамон"имиз нафақат бировнинг уйига ўғирликка тушиш-у, гиёҳвандлик воситалари билан ошно, балки қурол-яроғу портловчи моддаларнинг ҳам ишқибози экан. Чунончи, 1988-1989 йилларда бир танишидан 6 дона цилиндр нусха детонатор капсулаларини сотиб олган Б.Зарипов 1990 йилда Н.Зиямов уйида ноқонуний тарзда сақлаб келаётган ов милтиғига ҳам эга чиқади. У бу "хобби"га шунчалар қизиқиб кетадики, 1996 йилда Россиядан турли калибрли патронлар, капсулалар, сочма ўқлар ҳамда қўлбола тўппончани айланма йўллар билан олиб ўтади ва уйида сақлайди. Ҳожибобонинг уйига бўлган босқинчиликдан кейин эса сири ошкор бўлишидан ҳадиксираб, гиёҳвандлик воситаларидан тортиб, милтиқ, капсулалар, патронларни ҳам пойафзал таъмирловчи уста танишининг устахонасига олиб келиб, бир кун шу ерда сақлаб беришни сўрайди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ уста унинг илтимосига йўқ, дея олмайди.

Агар ўшанда у Баҳром Зарипов ташлаб кетган сумкалардаги нарсалар нима эканлигини билганидами? Ёки бирортасига бир сабаб билан учқун ёки олов текканидами... Ахир устахонанинг шундоққина рўпарасида мактаб жойлашган бўлса...

Нима бўлганда ҳам тезкор-тергов гуруҳи томонидан пухта режа асосида иш олиб борилиши, ҳар бир ҳолатнинг чуқур таҳлил қилиниши-ю вақтни ўтказмай олиб борилган сўраб-суриштирув ишлари туфайли жиноят қисқа муддатда очилди. Бу билан нафақат ҳеч бир жиноят фош этилмай қолмаслигига яна бир бор ўз тасдиғини топди, балки қурол-аслаҳаларнинг топилиши билан келажакда содир этилиши мумкин бўлган аянчли ва мудҳиш ҳодисаларнинг олди олинди.

Суд ҳукми билан айбдорларга қилмишига яраша жазо тайинланди.

***Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ишбилармонларга янада қулай шарт-шароитлар яратишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётир. Хусусан, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, соҳага солиқ имтиёзлари бериш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, бу борада меъёрий-ҳуқуқий базанинг такомиллаштирилиши натижасида ишбилармонлар учун фаолиятларини ташкил этишда бир қатор қулайликлар вужудга келди.***

# Қалбакилаштириш устаси

**Дурбек ТИЛЛАБОЕВ,**
Шайхонтохур туман прокуратураси терговчиси

Бироқ, тадбиркорлик билан шуғулланиш баробарида берилган имтиёзлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга уринаётган кимсалар ҳам учраб турибди. Бунга 2010 йилда якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, ёғоч-тахта савдосини йўлга қўйган Юнус Азизов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) мисол бўла олади.

Тадбиркорликнинг бошини тутган Ю.Азизов ўз фаолиятини қонун доирасида олиб бориш ўрнига қинғирликларга қўл уришни маъқул кўрди. У "Сардор" исмли шахс билан "гапни бир жойга қўйиб", муайян мажбуриятдан озод этадиган ҳужжат, яъни божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун асос бўладиган маълумотномаларни қалбакилаштиради. Бунда у 2011 йилнинг 12 январидан 2012 йилнинг 23 ноябрига қадар бўлган даврда импорт товарлар учун ўзининг "Visa-Cup" халқаро тўлов пластик карточкасидан 245 минг 394 АҚШ доллари ва 50 млн. 320 минг 793 Россия рубли миқдоридаги пул ўтказмаларини амалга оширганлиги ҳақидаги маълумотномани, шунингдек, такроран 56 ҳолатда банк расмий ҳужжатларини қалбакилаштириб, божхона органларига тақдим этади.

Бундан ташқари, Ю.Азизов импорт қилинган ёғоч маҳсулотларини бозорда нақд пулга сотиб, савдодан тушган пулларни банк муассасасига топширмасдан савдо қоидаларини ҳам қўпол равишда бузган.

Хато қилган одамга нисбатан кечиримли бўлиш, бағрикенглик ва инсонпарварлик халқимизга хос юксак фазилат ҳисобланади. Бу ҳолат мустақил юртимизнинг ҳуқуқий ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган. Юнус Азизовнинг қилмишини кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман суди унга нисбатан бағрикенглик тамойилини қўллади. У Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорига асосан тайинланиши лозим бўлган жазодан озод этилди.

Бу Ю.Азизовга берилган улкан имконият ҳисобланади. Энди у тадбиркорлик фаолиятини қонуний тарзда олиб бориб, оиласи ва жамият фаровонлигига муносиб улуш қўшади, деган умиддамиз.

/Давоми. Бошланиши 6-бетда/

# Сохта никоҳ

Бу сохта никоҳдан кўзланган асосий мақсад эса Д.Сафарованинг Тошкент шаҳрига доимий рўйхатга ўтиши ва сўз бораётган уйни унинг номига ўтказиш бўлган. Бироқ...

Ҳаммаси режадагидек кетаётганда, сохта "куёв" — А.Хўжаев фикридан қайтиб қолади, яъни "келин" — Д.Сафаровани доимий рўйхатга ўтказиш ва уйни унинг номига ҳадя қилишдан бош тортади.

Мана шундан кейин даъвогар никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга мажбур бўлган. Суд даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 56-моддасига кўра, ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ эр-хотин учун ушбу кодексда белгиланган шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтирмайди. Никоҳи ҳақиқий эмас деб топилган шахсларнинг мулкий ҳуқуқий муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни кўришда суднинг вазифалари никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишларни кўришдан фарқланади. Бундай ишларни кўришда қонун судларга эр ва хотинни яраштириш ва оилани сақлаш мажбуриятини юкламайди, чунки давлат ҳам, жамият ҳам қонунни бузиб, тузилган никоҳни ҳимоя қилмайди.

Никоҳ оиланинг вужудга келишида дастлабки ва бирдан бир асос, омил. Унга шунчаки муайян мақсадга эришиш воситаси дея қараш миллий менталитетимизга батамом зиддир. Никоҳ муносабатлари қанчалик соф, эркин, ихтиёрий бўлса, шунингдек давлат томонидан қўйилган талабларга монанд равишда тузилса, албатта, шу оиланинг мавқеи, обрўйи баланд бўлиб, ушбу оилада вояга етаётган фарзандлар ҳам комил инсон бўлиб етишадилар.

2013 йил 30 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга кўра Жиноят кодексининг Махсус қисмига 125-1-модда қўшилди. "Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш" деб номланувчи мазкур модда никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантиришга, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш каби ҳолатлар бўйича жавобгарликни белгилаб беради.

Соғлом оила барпо этиш учун ёшларимизда билим ва соғлом дунёқарашни, талаб ва масъулиятни шакллантириш, никоҳгача тиббий кўрикдан ўтказиш, ёшларни соғлом оила барпо этишга тайёрлаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар мазмун-моҳиятида аввало, жамиятнинг ўзаги бўлган оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш мақсади мужассам.


ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН

## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

**Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2013 йил 26 август куни ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади.**

Объектни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— энг камида иловада келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
— янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
— сотиб олиш тўлови ва инвестиция киритишни қисқа муддатларга амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
— сотувчининг банк ҳисоб рақамига объект бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган гаров суммаси;
— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2013 йил 26 август куни соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16"А"-уй манзилида ўтказилади. Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда 2013 йилнинг 2, 9, 16, 23 ҳамда 30 сентябрь кунлари соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16"А"-уй манзилида ўтказилади.

**Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72**

Хизматлар лицензияланган

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли оммавий оферта савдоларига чиқарилаётган давлат объектлари рўйхати**

| № | Объект номи | Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.) | Объект манзили | Балансда сақловчи | ПК/ВМҚ | Объектнинг бошланғич нархи (сўм) | Объектнинг сотилиш нархи (объектнинг савдога чиқарилган нархидан 10 фоизга арзонлаштирилган бошланғич нархи) (сўм) | Инвестиция мажбурияти (млн. сўм) | Инвестиция киритиш муддатлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Илмий ишлаб чиқариш лаборатория бино ва иншоотлари | 6 383,00 | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25-уй | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси | 25.04.2012 №1743 | 6 169 416 246,00 | 5 552 474 622,00 | 1 850,80 | 1 йил |
| 2 | Бино ва иншоотлар | 3 440,00 | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25а-уй | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси | 25.04.2012 №1743 | 3 367 093 747,00 | 3 030 384 373,00 | 1 010,10 | 1 йил |
| 3 | Қурилиши тугалланмаган ишлаб чиқариш лаборатория корпуси | 404,00 | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчаси, 2-уй | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси | 25.04.2012 №1743 | 1 350 892 000,00 | 1 350 892 000,00 | 405,20 | 1 йил |
| 4 | Бино ва иншоотлар | 13 934,00 | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, Ц-мавзеси, Қатортол кўчаси, 28-уй. | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси | 25.04.2012 №1743 | 11 322 596 900,00 | 10 190 337 210,00 | 3 396,78 | 1 йил |

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ танлов савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 18 июль кунидаги ХБ-212/07-сонли буйруғига асосан Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар Қарши-Бешкент йўли 3-км.да жойлашган, **бошланғич баҳоси — 7 511 662 562 сўм** бўлган (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) Қарши йиғма темир бетон корхонаси қўйилмоқда.

Танлов савдолари орқали сотиб олишнинг асосий шартлари:
— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
— энг юқори миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
— сотиб олиш қиймати ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш;
— янги иш ўринларини ташкил этиш мажбуриятини олиш.

**Баланс сақловчининг номи:** Қарши йиғма темир бетон корхонаси.

**Фаолият-ихтисослиги:** Темир бетон буюмлари ишлаб чиқариш.

Умумий ер майдони 114402,38 кв.м., қурилиш майдони 33871,68 кв.м.

**Савдо 2013 йил 26 август куни куни соат 10:00да** ДРҚ Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида (3-қават)да бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 23 август соат 18:00.

"Давлат активи" 2013 йил 26 август куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йилнинг 10 ва 25 сентябрь кунлари ҳамда 10 октябрь куни соат 10:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 10 сентябрдаги савдо учун 9 сентябрь куни соат 18:00; 25 сентябрдаги савдо учун 24 сентябрь куни соат 18:00; 10 октябрдаги савдо учун 9 октябрь куни соат 18:00.

Талабгорлар "Давлат активи" бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охирги кунгача АТИБ "Ипотека" банк Қашқадарё вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000004920609009; МФО: 00190; СТИР: 207122519.

Савдо натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун муддат ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закалат пули давлат активи сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорларнинг муҳри ва имзоси билан тасиқланган бўлиши керак.

Буюртманомалар қабул қилинадиган манзил: Қашқадарё вилоят, Қарши шаҳар, М.Абдуллаева кўчаси 20-уй, "Қашқадарё мулк Маркази" МЧЖ биноси.
тел/факс: (8-375) 225-44-58,
**www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz.**
**Лицензия: № RR 0001.**

**Хизматлар лицензияланган**

## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

**Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2013 йил 26 август куни ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади.**

Объектни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— энг камида иловада келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
— янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
— сотиб олиш тўлови ва инвестиция киритишни қисқа муддатларга амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
— сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган гаров суммаси;
— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2013 йил 26 август куни соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16"А"-уй манзилида ўтказилади. Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда, 2013 йилнинг 2, 9, 16, 23, 30 сентябрь кунлари соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16"А"-уй манзилида ўтказилади.

**Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72**

**Хизматлар лицензияланган**

**Оммавий оферта савдоларига чиқарилаётган давлат активлари Рўйхати**

| № | Объект номи | Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.) | Объект манзили | Балансда сақловчи | ПК/ВМҚ | Савдога чиқарилган нархи | Давлат активининг сотилиш нархи (давлат активининг савдога чиқарилган нархидан 10 фоизга арзонлаштирилган бошланғич нархи) (сўм) | Инвестиция мажбурияти (млн. сўм) | Инвестиция киритиш муддатлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бино ва иншоотлар | 306,00 | Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, К.Отабоев кўчаси, 76-уй | Тошкент магистрал канали бошқармаси | 25.04.2012 №1743 | 331 010 604,00 | 297 909 543,00 | 30,00 | 1 йил |
| 2 | Бино ва иншоотлар | 8 204,00 | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли (Ниёзов) кўчаси, 1-уй | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси | 25.04.2012 №1743 | 7 317 811 400,00 | 6 586 030 260,00 | 2 195 343 420,00 | 1 йил |
| 3 | 9 қаватли бинонинг биринчи қаватига тақаб қурилган бино | 1 044,00 | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 35-уй | Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти | 25.04.2012 №1743 | 1 294 168 500,00 | 1 164 751 650,00 | 1 йил муддат ичида энг кўп миқдорда инвестиция киритиш шарти билан. | |
| 4 | "Махсусбутлашгаз" МЧЖ | 35,86 фоиз давлат улуши | Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи кўчаси, 21-уй | "Махсусбутлашгаз" МЧЖ | 25.04.2012 №1743 | 956 999 600,00 | 861 299 640,00 | 100,00 | 1 йил |
| 5 | МЧЖ шаклидаги "Bezak" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси | 17,5 фоиз давлат улуши | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани,Сайрам кўчаси, 26-уй | МЧЖ шаклидаги "Bezak" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси | 12.08.2011 №211 | 1 479 496 200,00 | 1 331 546 580,00 | 1 йил муддат ичида энг кўп миқдорда инвестиция киритиш шарти билан. | |

## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

**Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2013 йил 26 август куни ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.**

Объектни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— ушбу "Давлат активлари" учун қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
— янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
— сотиб олиш тўлови ва инвестиция киритишни қисқа муддатларга (кўпи билан 1 йил муддат ичида) амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
— сотувчининг банк ҳисоб рақамига объект бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган гаров суммаси;
— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2013 йил 26 август куни соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16"А"-уй манзилида ўтказилади.

**Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72**

**Хизматлар лицензияланган**

**Оммавий оферта савдоларига чиқарилаётган давлат активлари Рўйхати**

| № | Объект номи | Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.) | Объект манзили | Балансда сақловчи | ПК/ВМҚ | Савдога чиқарилган нархи | Объектларнинг сотилиш нархи (объектларни савдога чиқарилган нархидан 5 фоизга арзонлаштирлган бошланғич нархи) (сўм) | Инвестиция мажбурияти (млн. сўм) | Инвестиция киритиш муддатлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Нотурар жой биноси | 463,0 | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6"Б"-уй | Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти | 25.04.2012 №1743 | 377 898 285,00 | 359 003 370,00 | -энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида) | |
| 2 | «Тоғ-геология жамланма экспедицияси» МЧЖ | 29,5 фоиз давлат улуши | Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Мироқилова кўчаси, 68а-уй | «Тоғ-геология жамланма экспедицияси» МЧЖ | 25.04.2012 №1743 | 197 104 700,00 | 187 249 465,00 | | |
| 3 | «YENGMATIJMARKAZI» МЧЖ | 25,0 фоиз давлат улуши | Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-уй | «YENGMATIJMARKAZI» МЧЖ | 25.04.2012 №1743 | 243 444 680,00 | 231 272 446,00 | | |
| 4 | «4-сон таъмирлаш қурилиш йиғиш бошқармаси» МЧЖ | 98,64 фоиз давлат улуши | Тошкент шаҳри, Сергели тумани, С.Толипов кўчаси, 3-уй | «4-сон таъмирлаш қурилиш йиғиш бошқармаси» МЧЖ | 25.04.2012 №1743 | 517 726 900,00 | 491 840 555,00 | | |

## «EFFECT REAL GROUP» масъулияти чекланган жамияти барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 147-сонли қарори ва Қува туман ҳокимилигининг 22.07.2013 йилдаги 872-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидиги ер участкаларини доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.

1. Қува тумани "Тахтакўприк" МФЙ А.Яссавий кўчасининг шимолий қисмида ҳаммом, сауна биноси қуриш учун 1 дона қурилиш ости ер майдони 400,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 3 896 784 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 24 ой.

2. Қува тумани "Маданият" ҚФЙ "Хонобод" қишлоғи марказида маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун 1 дона қурилиш ости ер майдони жами 100,0 кв.м., шундан 60,0 кв.м.га шохобча биноси қуриш учун ва 40,0 кв.м.ни ободонлаштириш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 323 492,4 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 12 ой.

3. Қува тумани "Намуна" ҚФЙ "Янгичек" қишлоғида маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини қуриш учун 1 дона қурилиш ости ер майдони жами 180,0 кв.м., шундан 130,0 кв.м.га шохобча биноси қуриш учун қолган 50,0 кв.м.ни ободонлаштириш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 970 477 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 18 ой.

Мажбуриятнинг бошланғич ҳажми Қува тумани архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 26 август куни тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Қува туман ҳокимлиги биносида 2013 йил 27 август куни соат 11:00да очилади ва шу куни соат 16:00да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги МФО: 00500,

СТИР: 302128329, 20208000704943278001 ҳ/р.га тўлашлари керак.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:
— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
— танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фарғона шаҳар Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй 24-хона. тел. +99895 404 54 84 веб-сайт www.effect.uz Лицензия 0094.**

**Хизматлар лицензияланган**

## Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан давлат активларини сотиш бўйича оммавий оферта савдосига таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига асосан сотилиши белгиланган давлат активлари Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сонли қарорининг 2-иловаси билан тасдиқланган Низомга ва Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш Давлат комиссиясининг 2012 йил 21 март кунидаги 02-02-24-36-сонли йиғилиш баёнига мувофиқ оммавий оферта савдосига чиқарилмоқда.

**Сотиш учун таклиф қилинаётган давлат активининг тавсифи ва олди-сотди шартномалари тузиш шартлари:**

**1. Қарши тумани, Ертепа ҚФЙ, Мирмирон қишлоғи манзилида жойлашган "Мулк ўттиз" масъулияти чекланган жамиятининг 95 фоиз давлат улуши бўйича:**

Жамиятнинг устав фонди 157 802 800 сўмни ташкил этиб, устав фондига нисбатан 95 фоиз улушининг номинал қиймати 149 912 660 сўмни ташкил этади.

"Мулк ўттиз" МЧЖнинг 95 фоиз давлат улушига 1 840 897 650 (бир миллиард саккиз юз қирқ миллион саккиз юз тўқсон етти минг олти юз эллик) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

**2. Қашқадарё вилояти, Касби туман ҳокимлигига қарашли "Ободонлаштириш" бошқармаси балансидаги "Ошхона" биноси бўйича:**

Объектнинг умумий ер майдони 176,57 м$^2$, шундан бино ва иншоотлар умумий майдони 107,68 м$^2$.

Касби туман ҳокимлигига қарашли "Ободонлаштириш" бошқармаси балансидаги "Ошхона" биносига 53 094 818 (эллик уч миллион тўқсон тўрт минг саккиз юз ўн саккиз) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш ҳамда объект фаолиятини йўлга қўйиш учун қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

**3. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, "Помуқ" қишлоғида жойлашган, туман солиқ инспекциясига қарашли фойдаланилмаётган маъмурий бино бўйича:**

Объектнинг умумий ер майдони 6004,75 м$^2$, шундан бино ва иншоотлар умумий майдони 495,05 м$^2$.

Миришкор тумани, "Помуқ" қишлоғида жойлашган, туман солиқ инспекциясига қарашли фойдаланилмаётган маъмурий бинога 378 340 654 (уч юз етмиш саккиз миллион уч юз қирқ минг олти юз эллик тўрт) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш ҳамда объект фаолиятини йўлга қўйиш учун қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

**4. Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туманида жойлашган Шаҳрисабз туман "Машина трактор парки" ОАЖ балансидаги давлат ижтимоий инфратузилма объекти бўлган "Кутубхона" биноси бўйича:**

Объектнинг умумий ер майдони 818,0 м$^2$, шундан бино ва иншоотлар умумий майдони 232,91 м$^2$.

Шаҳрисабз туман "Машина трактор парки" ОАЖ балансидаги давлат ижтимоий инфратузилма объекти бўлган "Кутубхона" биносига 112 716 550 (бир юз ўн икки миллион етти юз ўн олти минг беш юз эллик) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш ҳамда объект фаолиятини йўлга қўйиш учун қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

**5. Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Ўзбекистон овози кўчаси 16-уй манзилида жойлашган "Махсус механизациялашган кўчма колонна" масъулияти чекланган жамиятининг 4,34 фоиз давлат улуши бўйича:**

Жамиятнинг устав фонди 4 547 000 сўмни ташкил этиб, устав фондига нисбатан 4,34 фоиз улушининг номинал қиймати 197 340 сўмни ташкил этади.

"Махсус механизациялашган кўчма колонна" масъулияти чекланган жамиятининг 4,34 фоиз давлат улушига 460 993 440 (тўрт юз олтмиш миллион тўққиз юз тўқсон уч минг тўрт юз қирқ) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

**Музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва манзили:** Музокаралар 2013 йилнинг 27 август куни соат 10:00дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, А.Темур кўчаси 43-уйда, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг мажлислар залида ўтказилади.

**Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш санаси ва вақти:** 2013 йил 29 июль кунидан (ҳар ҳафта душанбадан жума кунига қадар соат 9:00дан бошлаб 18:00гача) 2013 йил 26 август куни соат 18:00гача.

Оммавий оферта савдоларида қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг оммавий оферта савдосига қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, идентификация рақами (СТИР), тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— Сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйилган давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизи миқдорида закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

— оммавий оферта савдоси ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган талабгор таклифлари:

1. Сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

— Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Сотувчининг манзили:** 180112, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри А.Темур кўчаси 43-уй.

**Алоқа телефонлари:** (8375) 225-03-11, 225-02-48. **факс:** 225-02-31.

**E-mail: gkikashkadarya@mail.ru**

Мазкур давлат активларининг савдога қўйилиши юзасидан аввалги берилган эълонлар бекор, деб ҳисобланади.

Оммавий савдолар ўтказилиши жараёнида қонунбузилиши ва тамагирлик ҳолатлари ҳамда ноқонуний аралашувлар кузатилган ҳолларда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг (+99871) 259-21-78, 259-21-14 рақамларига мурожаат қилишингизни маълум қиламиз!

**Хизматлар лицензияланган**

## Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 154-сонли қарорига асосан сотилиши белгиланган давлат активлари, "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 июлдаги 145-сонли қарори билан тасдиқланган Низом ва 2009 йил 29 январдаги 27-сонли қарорининг 2-иловаси билан тасдиқланган Низомларига мувофиқ оммавий оферта савдосига чиқарилмоқда.**

Сотиш таклиф қилинаётган давлат активининг номи, сони, тавсифи ва давлат активи жойлашган жойи:

**1. Мирзачўл туман ҳокимлигига қарашли қурилиши тугалланмаган 4 та коттеж бинолари:**

Балансда сақловчининг номи ва манзили: Мирзачўл туман ҳокимлиги. Мирзачўл тумани, Гагарин шаҳри.

— объектнинг бошланғич баҳоси 73 524 000 (етмиш уч миллион беш юз йигирма тўрт минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— умумий ер майдони — 1200,0 кв.м.

— бино қурилиш ости майдони — 148,78 кв.м.:

**2. "Навоий кон металлургия комбинати" ДК Жанубий кон бошқармасига қарашли қурилиши тугалланмаган савдо дўкони биноси:**

Балансда сақловчининг номи ва манзили: "Навоий кон металлургия комбинати" ДК Жанубий кон бошқармаси. Ғаллаорол тумани, Маржонбулоқ шаҳар фуқаролар йиғини.

— объектнинг бошланғич баҳоси 78 947 400 (етмиш саккиз миллион тўққиз юз қирқ етти минг тўрт юз) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини ва 25 (йигирма беш) миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритишни таклиф этиш;

— умумий ер майдони — 918,0 кв.м.:

— бино қурилиш ости майдони — 449,88 кв.м.:

**3. "Навоий кон металлургия комбинати" ДК Жанубий кон бошқармасига қарашли қурилиши тугалланмаган 100 ўринли ошхона ва 50 ўринли чойхона биноси:**

Балансда сақловчининг номи ва манзили: "Навоий кон металлургия комбинати" ДК Жанубий кон бошқармаси. Ғаллаорол тумани, Маржонбулоқ шаҳар фуқаролар йиғини.

— объектнинг бошланғич баҳоси 109 372 000 (бир юз тўққиз миллион уч юз етмиш икки минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини ва 25 (йигирма беш) миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритишни таклиф этиш;

— умумий ер майдони — 3566,0 кв.м.:

— бино қурилиш ости майдони — 646,38 кв.м.:

**4. Ғаллаорол туман ҳокимлигига қарашли маъмурий бино:**

Балансда сақловчининг номи ва манзили: Ғаллаорол туман ҳокимлиги, Ғаллаорол тумани, Ғаллаорол шаҳри, Мустақиллик кўчаси.

— объектнинг бошланғич баҳоси 47 149 000 (қирқ етти миллион бир юз қирқ тўққиз минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— умумий ер майдони — 8260,0 кв.м.:

— бино қурилиш ости майдони — 170,71 кв.м.:

**5. Жиззах вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли ёрдамчи бино:**

Балансда сақловчининг номи ва манзили: Жиззах шаҳри, Сайилжойи маҳалласи, Ш.Рашидов кўчаси.

— объектнинг бошланғич баҳоси 59 109 537 (эллик тўққиз миллион бир юз тўққиз минг беш юз ўттиз етти минг) сўм миқдорида тасдиқлансин ва унда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шарти билан 12,5 (ўн икки миллион беш юз минг) сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш шарти билан сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— умумий ер майдони — 754,0 кв.м.:

— бино қурилиш ости майдони 277,76 кв.м.:

**6. Дўстлик тумани ҳокимлигига қарашли собиқ 6-сон болалар боғчаси биноси:**

Балансда сақловчининг номи ва манзили: Дўстлик туман ҳокимлиги, Дўстлик тумани, Дўстлик шаҳри.

— объектнинг бошланғич баҳоси 41 990 000 (қирқ бир миллион тўққиз юз тўқсон минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— умумий ер майдони — 1420,0 кв.м.:

— бино қурилиш ости майдони — 263,34 кв.м.:

**7. Жиззах тумани Равот ҚФЙ, Учқизлар МФЙда жойлашган собиқ Учқизлар алоқа бўлими биноси:**

Балансда сақловчининг номи ва манзили: "Ўзнефтгазалоқа" ИЧТАБ УШК, Жиззах тумани Равот ҚФЙ.

— объектнинг бошланғич баҳоси 92 767 200 (тўқсон икки миллион етти юз олтмиш етти минг икки юз) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— умумий ер майдони — 6400,0 кв.м.:

— бино қурилиш ости майдони — 625,7 кв.м.:

**Сотувчининг манзили:** 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, Давлат рақобат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси.

**электрон почта: www.gki.uz**

Алоқа телефонлар: (8 372) 226-25-04, 226-39-31. факс: 226-57-85

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи: Музокаралар (оммавий оферта) Давлат рақобат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси (манзил: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 63-уй)да 2013 йил 27 август 18:00гача.

Тўғридан-тўғри музокараларда қашнашиш учун талабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйилган давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизи миқдорида закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

— икки нусхадаги ёпиштирилган конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари;

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

— инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мазкур давлат активларининг савдога қўйилиши юзасидан аввалги берилган эълонлар бекор деб ҳисобланади.

**Хизматлар лицензияланган**

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Бош прокуратура бўлим прокурори **Аҳрор ХАЛИЛОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Учтепа туман прокурорининг ўринбосари Ўткирбек Даулановга падари бузруквори **БОЗОРБОЙ** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**Huquq** yuridik gazeta

Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay`ati:
Hakimboy HALIMOV
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib v.b.)

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Ⓣ – tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-7662. 47 595 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O`.DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

**KAPITALBANK**
*МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ, МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ*

# Устувор мақсадлар йўлида

***Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимизнинг локомотиви сифатида эътироф этилмоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида бу соҳани ривожлантириш учун қонун, қарор ва фармонлар қабул қилиниб, бу борада республикамиз банклари олдига ҳам бир қанча вазифалар юклатилди.***

Кейинги йилларда молия муассасаларининг фаолияти тубдан ривожланиб, хизмат кўрсатиш даражаси юксалмоқда. Хусусан, тижорат банклари томонидан кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга кредитлар ажратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги диққатга сазовор. Бугунги кунда Тошкент шаҳридаги 6 та ва вилоятлардаги 7 та бўлими томонидан хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда аҳолига турли мақсадлар учун кенг турдаги кредитлар таклиф этиб келаётган ОАТБ "Капиталбанк" ҳам бу борада фаоллик кўрсатмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг январь-июнь ойлари давомида банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида соҳа субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 132,21 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 баробарга кўпдир. Бугун аёллар ҳам эркаклардан ортда қолмай ўзларининг тадбиркорлик ва ишбилармонлик қобилиятларини ишга солиб, оиласи фаровонлигига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ана шундай тадбиркор аёлларга бизнесини ривожлантириш мақсадида банк ҳисобидан жорий йилнинг ўтган даврида 41,8 млрд. сўм кредит берилди.

Шунингдек, ОАТБ "Капиталбанк" томонидан инвестиция лойиҳаларини кредитлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мижозларга шу каби лойиҳалар ва лизинг хизматлари кўрсатиш борасида 2013 йилнинг биринчи ярим йиллигида 52,85 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилгани ҳам бунинг яққол далилидир.

Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш мақсадида банк томонидан соҳа субъектларига 19,32 млрд. сўм (2013 йилнинг 1 июль ҳолатига) миқдорида кредит маблағлари тақдим этилди. Озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида 49 нафар мижозга қарийб 21,85 млрд. сўм кредит берилган бўлса, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 50 мижозга 28,43 млрд. сўм миқдорида кредитлар йўналтирилди.

Бугун мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча шарт-шароитни яратиш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. ОАТБ "Капиталбанк" ҳам бу жараёнларда фаол иштирок этиб, банк томонидан битирувчиларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 585,4 млн. сўм кредит ажратилди.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда 2013 йилнинг "Обод турмуш йили", деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни янада ривожлантириш, иш билан бандликни, аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг изчил ўсишини таъминлаш, халқ турмуш даражаси ва сифатини ошириш, муносиб уй-жойлар ва ижтимоий-маиший шароитлар яратиш каби вазифалар белгиланиб, бу борада тижорат банклари зиммасига ҳам улкан масъулият юклатилган. Банк томонидан Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳам бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, 2013 йилнинг олти ойи давомида ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 699,3 млн. сўмдан зиёд микрокредитлар берилди. Шунингдек, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик билан шуғулланаётган мижозларга уларнинг фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш учун 771,7 млн. сўм миқдоридаги кредит маблағлари йўналтирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, банкдан нафақат юридик, шу билан бирга, жисмоний шахслар ҳам кредит олишига алоҳида аҳамият берилади. Бу борада жисмоний шахсларга кенг турдаги истеъмол кредитлари таклиф этиб келинмоқда. Дам олиш (саёҳат қилиш) учун, авиачипталар сотиб олишга, заргарлик буюмлари харид қилиш, тантанали маросим ва тадбирлар ўтказиш учун, мебель тўпламлари ва уй жиҳозлари сотиб олиш, маиший техника воситалари ва уй-жойларни таъмирлаш учун қурилиш материаллари сотиб олиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўтган даврда банк бўлимлари орқали аҳолига ажратилган истеъмол кредитлари 4,22 млрд. сўмни, уй-жойлар сотиб олиш учун ипотека кредитлари эса 3,42 млрд. сўмни ташкил этди. Шу жумладан, истеъмол кредитларининг 317 млн. сўми ва ипотека кредитларининг 551,3 млн. сўми ёш оилалар ҳиссасига тўғри келмоқда.

ОАТБ "Капиталбанк"и "Обод турмуш йили" муносабати билан жорий йил якунига қадар ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ипотека, истеъмол ва микрокредитлар ажратиш ҳажмини оширишни мақсад қилган. Қувонарлиси, банк томонидан йил давомида жорий қилинган истеъмол кредитларининг янги турлари мамлакатимиз аҳолисига танлаш имкониятини кенгайтирмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жорий йилда ушбу йўналишларга 2012 йилга нисбатан 1,4 баробардан зиёд кредитларни йўналтириш режалаштирилган.

Республикамиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳолига янада сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш, бир сўз билан айтганда, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ОАТБ "Капиталбанк" фаолиятининг муҳим вазифаси ҳисобланади. [L]

**Банк матбуот хизмати**

# ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

**"Асака" банк (ОАЖ) жамоаси қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.**

**Миллий валютада**

**«ФАРОВОН ТУРМУШ»**
**Омонатнинг сақланиш муддати 12 ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.**

**Хорижий валютада**

**«ИШОНЧЛИ» (АҚШ долларида)**
**Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.**

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатларингиз:**
- ☑ солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- ☑ маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- ☑ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- ☑ миқдори чекланмаган.

"Асака" банк (ОАЖ) сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

Хизматлар лицензияланган